

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

СИЗНИНГ ЙЎЛИНГИЗНИ БЕРСИН БИЗГА ҲАМ...



Ўзбекистон қаҳрамони, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Озод ШАРОФИДДИНОВ.

КАЧОН ТУҒИЛГАНИМНИ ҲЕЧ КИМ БИЛМАЙДИ

Отам асли ўшлик, она авлодим Кўкон тарафдан бўлишган. Аямнинг отасини Сирожибдин полвон дейишган экан. Тўйю сайларда кураш тушиб юрадиган бобом бир сафар мусобақада ўзидан бақувват киши билан беллашиб майиб бўлиб қолган ва шу-шу ўнганмай вафот этган экан. Шундан сўнг бувим билан аямни тоғам ўз қарамоғига олган. У киши жуда қаттиққўл бўлган. Тоғам бир куни «бўйи етиб қолган» кишлоқ қизлари билан сўроқсиз сайрга кетгани учун аямнинг оёғини теши билан уриб синдиради. Шу воқеа сабаб, аям тоғам билан юз қўришмас бўлиб, кишлоқдан бош олиб чиқиб кетиб, Кўконнинг «Е бозор» деган маҳалласига келиб кўним топишган. Мен ҳам ўша ерда туғилган бўлсам керак. Лекин қачон туғилганимни ҳеч ким эслай олмайди.

Ховлимиз «Кўш арик» деган жойда эди. Маҳалламиздан катта сой ўтарди. Кун бўйи унда чўмилардик. Аямларнинг кишлоқларига яқин жойда 5 та булоқ бор эди. Уларнинг ҳар бири алоҳида хислатга эга бўлиб биридан иссиқ, кейингисидан муздек, бошқасидан шўр сув чиқарди. Болалар билан ўйнаб-ўйнаб бориб тўлиб-тошиб, қайнаб чиқётган булоққа қараб сеҳрланиб қолардим.

Отамнинг аниқ касб-кори бўлмаган, тоғу тошлардаги ҳарбий кишиларнинг ишига ёрдам бериб юрар, шу сабаб уйда кам бўлардилар. Онам сотувчилик қилардилар.

Кейинчалик Тошкентга келиб яшай бошладик. Мен Гафур Фуломнинг Холда исмли қизи ўқиган мактабга қатнаш бошладим.

«АМАКИ, ТИББИЁТМИ, АДАБИЁТМИ БОРМИ?» ДЕБ СЎРАДИМ.

Менда китобга бўлган эҳтирос қаердан пайдо бўлган, билмайман. Аммо 2-синфдалигимда қўлимга Туманяннинг «Гекор» деган ҳикояси тушиб қолган. Унда ота-онасидан етим қолган бир бола ҳақида ёзилган эди. Унинг кечинмалари, ота-онасини соғиниши, қўйналиши, умуман унинг тақ-

диридан бир неча кунгача ўзимга келмай юрганман. Ўша вақтда бу адабиёт, ҳикоя эканлигини билмаганман. Кейин Эски Жувадаги бир китоб дўконига кириб: «Амаки, тиббиётми, адабиётми борми?», - деб сўрасам, «Нима қилмоқчисан?», - деди. «Бирорта бола тўғрисида ўқимокчиман», - деганимдан сўнг, «Демак, сенга адабиёт керак экан» - деб бир нечта китобларни қўлимга тутқазганди. Биринчи ўқиган китобим Марк Твеннинг «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» эди. Асар қаҳрамони Том Сойерга ўхшаб яшамоқчи бўлганман. Хатто унга тақлид қилиб пардадош қизалоқнинг қўлидан ушлаб қучоқлаб ўпмокчи бўлганимда бир тарсаки еганман. Ўша жойнинг ўзидаёқ муҳаббат тамом бўлган, аммо китобга муҳаббат қолган. Бир куни ховлимиз ўртасига супа қилаётганимизда бир қўлимда китоб билан сув ташиганимни қўриб дадамнинг роса жаҳли чиққанди. Бир-икки оғохлантиришдан кейин ҳам китобни ташламаганимдан сўнг дадам қўлимдан уни тортиб олиб, супа ўртасига ташлади-да, устидан лой суваб юбордилар. Бир неча вақтлар ўтиб супа бузилди. Мен тупроқ титкилаб китобнинг чирий бошлаган муковаси-ю, лахта-лахта бўлиб кетган саҳифаларини қўлимга олиб роса йиғлаганман... Ўша вақтларда мактаб томондан бериладиган кийим пулидан 11 сўм ишлатиб олиб келганим, кейин ўзбошимчилик билан пул сарфлаганим учун аямдан калтак ейишимга сабаб бўлган биринчи ўқиган ўзбек романим - Ойбекнинг «Қутлуг қон»и эди. Калтак излари кетди-ю, китобга бўлган муҳаббат қолаверди...

ОИЛА ТАШВИШЛАРИ ДЕБ...

5-синфни битирганимдан кейин уруш бошланди. Ана шундай кунларда мактаб директорини Солиқ ака ўқувчиларга қўшимча хунар ўргатадиган курс ташкил этди. Кўпчилик, шу жумладан мен ҳам пойфазал тикишни ўргандим. Кейинчалик отаси, акаси урушга кетган ўртоқларим мактабда ўрганган мана шу хунар - косибчилик билан оилаларини боқишди. Оилада 4 фарзанд эдик. Баъзи сабаб-

Оиламиз меҳмони

ларга кўра, дадам урушдан бизнинг ёнимизга эмас, Ўшга қайтгач, бувим, аям ва сингилларимга қараш менинг зиммамга юкланди... Мактабни олтин медал билан битириб, филология факултетига имтиҳонсиз қабул қилидим. Сирдан ўқиш билан бирга ишлай бошладим. Мактабда вожатийлик қилиш билан бирга, она тилидан дарс бердим. Хатто педагогик амалиётдан машгулотларга ўзим раҳбарлик қилдим. 4-курсга келиб уйландим. Энди оила ташвишлари яна-да ортди, шунинг учун мактабдан ташқари техникумда ҳам дарс бера бошладим. Урушдан кейин менга «Жасоратли меҳнати учун» унвони берилди. Шу унвон инobatга олиниб, 90-йилларда «Улуғ ватан уруши қатнашчиси» деган номга сазовор бўлдим.

УСТОЗЛАР МАКТАБИДА ТАҲСИЛ ОЛИБ...

Адабиёт билан қадам-бақадам одимлаб, танкидий мақолалар, илмий ишлар ёздим. Кейинчалик Москвага ўқишга кетдим. Ўша ердан туриб ҳам оиламга ёрдам берардим. Қайтиб келгач, бир томондан иш, ижод, илмий ишлар, бир томондан аям, сингилларим, оилам, болаларим. Аммо оила деб адабиётни, илмий-ижодий ишларимни ташлаб қўймадим. Гафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби устозлар мактабиде таҳсил олдим. Тинимсиз меҳнат ҳар бир ишнинг ечимини топишда қалит эканлигини амалда кўрдим... Аммо бошимдан кечирган оғир йиллар, тақдирнинг бе-шафқат зарбалари мени шу ёшимда ҳам ўз исканжасига олмокчи бўлди. Соғлигим бироз ёмонлашди. Бироқ менга халқимизнинг эътибори, эъзози жуда катта мадад бўлди. Энг катта армонларимдан бири ушалди - Президентимизнинг қўллаб-қувватлашлари билан «Жаҳон адабиёти» журнали дунё юзини кўрди.


Ўтган умримга назар солиб бир нарсаси амин бўлдим. Инсонни шакллантирадиган, камол топтирадиган омиллардан бири оила экан. Оила муҳаббатга таяниб қурилса жуда яхши, аммо муҳаббат фақат эҳтирос, висолдан иборат эмас-да. У чуқур инсоний мазмунга эга бўлиши керак. Шарқона муҳаббатда эҳтирос билан бирга МЕҲРнинг ҳам бўлиши шарт. Агар икки ёш муҳаббат билан турмуш қуришса-ю, вақт

ўтиб муҳаббат ўз жозибасини йўқотса ўртада меҳр қолади. Агар шу меҳр бўлмаса, турмуш бузилади. Муҳаббатда романтика кўп бўлади. У қора иш талаб қилмайдиган, тирикчилик зарурати йўқ ҳис-туйғу. Турмуш қурилгач, муҳаббатнинг прозаси бошланади. Ҳар куни ҳар хил ташвишлар чиқади. Ундан ташқари, икки ёшнинг психологик носозликлари келиб чиқиши, эру хотин бирга яшайвериш, бир-бирининг кўнглига уриши мумкин. Абдулла Қаҳҳорнинг: «Эру хотин орасида парда бўлиши керак», деган сўзларида жуда катта маъно бор. Муҳаббатда асосланиб оила қурганлар, кексая борган сайин бир-бирига жуда меҳрибон бўлиб қолар, бир-бирини парвариш қилар, бир-бирига суянар экан...

МЕН БАХТЛИ ОДАММАН...

Мен бахтли одамман. Рафиқам Шарофатхон билан 52 йилдан бери инोक, аҳил яшаб келяпмиз. У мен учун ўзимдан кўра кўпроқ қайғуради. Келинкойингизсиз бу дардларни енгишим мушкул эди. Ҳар соҳада менга ҳамфикр. Қизим Муҳаббат, ўғилларим Фарҳод, Алишер ўз ўрнини топгани, ҳамиша онаси иккимизнинг ва элимизнинг хизматида эканликлари, набираларим камол топишайтганидан жуда бахтиёрман. Эл назарининг бир тимсоли бор. Бу халқ отасининг - Президентнинг эътиборида бўлиш, бу алоҳида меҳр, ғамхўрликдир. Биринчилардан бўлиб «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирландим. 1999 йил «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландим, 70 йиллик юбилейимни жуда катта тантана билан ўтказилиши, мана бу йил «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиши мен учун жуда катта шараф. Агар умрим вафо қилса, қолган кучимни элим, халқим йўлида хизматга бағишлайман...

Мана, 73 га кирдим. Кибрга йўймангу, мен каториларнинг баъзилари умрини чойхоналарда ўтказётган шу кунларда ҳамон журналга бошчилик қилиш, китоб ўқиш, таржима қилишдан бўшамайман.



Ҳаётнинг энг лаззатли онлари...

Ўзбек адабиётининг даргаларидан бири - профессор Озод ака Шарофиддинов ҳузурларидан қайтар эканман, домланинг метин иродасига, матонати ва теран тафаккурига ҳавасим келди, беихтиёр шоирнинг ушбу мисраларини эсладим:

Сизда ҳеч нарсадан зарра камлик йўқ,
Ҳеч кимса қошида боши камлик йўқ,
Ўткинчи ҳар нега кўзи намлик йўқ,
Сизнинг йўлингизни берсин бизга ҳам...

Хулқар ХОТАМБОВЕВА
ёзиб олди



ДИЛИ ПОК ИНСОННИНГ ЙЎЛИ ОБОД БЎЛАДИ

«Меҳнат қилган одамнинг ҳамиша ризқу-насибаси бутун бўлар экан», - дейди Юнусобод туманига қарашли «Умид-Ҳилола» хусусий дорихонаси раҳбари Шарофат Нуралиева. Дарвоқе, бугун бизнинг тезкор замонамизда тadbиркор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. Аммо аёл киши учун оила, рўзгор, фарзанд тарбиясидан ортиб тadbиркорлик билан шуғулланиш қийин кечмасмикан?.. Келинг яхшиси бу ҳақда тadbиркор

аёлнинг ўзидан эшитайлик.
- **Шарофат опа, сиз халқимизга дори-дармонлар етказиб бериш билан шуғулланасиз. Мана шу сотувга чиқарилаётган дориларнинг сифатли ёки сифатсиз эканини қандай аниқлайсиз?**
- Мен 1994 йилдан тadbиркорлик фаолиятимни бошладим. Шундан буён бирон кишидан мана бу дори сифатсиз экан, деган гапни эшитмадим. Чунки ҳар бир маҳсулотни сотувга чи-

қаришдан аввал Темир йўл формациясининг лабораториясида текширувдан ўтказамиз. Сифати аниқлангандан кейингина уларни сотувга чиқарамиз. Қолаверса ҳар бир сотилаётган дорининг орасида инсон ҳаёти турганини яхши биламан.

- **Сизни яхши билган инсонлар ўғилларига қаттиққўл, лекин келинларига жуда меҳрибон дейишади?..**

- Муқаддасхон ҳамда Гузалхон исмли икки нафар келинларим бор. Иккаласи ҳам исмлари-жисмларига мос қизлар. Ота-онасига катта раҳмат қизларига яхши тарбия беришган экан.

га меҳр қўяди. Бунинг учун озгина бағрикенглик кифоя. Келинларининг аҳил-иноқликларини кўрган одамлар опа-сингил бўлса керак дейишади. Уларнинг меҳрибонликларини кўриб ўзимнинг ҳам ҳавасим келади.

Мени ўғилларига қаттиққўл дейишлари ҳам рост. Чунки мен уларни келинларимга нисбатан меҳрли бўлишларини талаб қиламан. Бу менинг оналик вазифам.

- **Сиз кўпроқ тadbиркорлик ишлари билан банд бўласиз. Турмуш ўртоғингиз бунга қандай қарайди?**

- Ойлада эр-хотин ўртасида ўзаро ишонч, садоқат бўлсагина ўша хонадонда барака бўлади. Турмуш ўртоғим Тоҳимат Нуралиев мени ҳаётда ҳамиша қўллаб-қувватлайди. Қолаверса хусусий дорихонамизда ҳуқуқшунос-маслаҳатчи вазифада фаолият юритади. Фарзандим Ҳилоладан айрилиб қолганимдан сўнг анча пайтгача ўзимга келолмай юрдим. Назаримда ҳаёт тўхтаб қолгандай эди. Гарчи мен ўзим тиббиёт соҳасида ишласам-да, унинг оғир дардига даво тополмадим. Ҳилолани барчамиз яхши

кўрар эдик. Чунки у ўзининг ажойиб шеърлари билан эндиgina шеърят оламига кири келаятган эди. Келажакда менининг шоира бўлишини жуда жуда истар эдим. Бир кун «Ойиҳон, мен бу дунёдан ўт кетсам, ҳамма унутиб юбор керак», - деб қолди. Мен ундема қизим, мен сенсиз бу дунёда чидолмайман дедим. Ҳилола: «Йўқ ойиҳон, бир йил йилгайисиз, икки йил эслайсиз, бора-бора кўнақасиз. Лекин менинг ёзган шеърларим абадий қолади», - дея ушбу мисраларни ўқиб берди.

Менинг отам саҳийдир, Онам жуда меҳрибон. Менинг отам қуёшдир, Отам эса кенг осмон.

Азиз онажонимни, Доим сууб юраман. Отажонимни эса, Гапларига кираман.

Иккиси ҳам доимо, Бўлсин ёнимда йўлдош. Менинг отам кенг осмон, Онам эса зар қуёш.

Сухбатдош
Нигора АЛИШЕР ҚИЗИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН

Дунё маданияти, анъана ва урф-одатлари, турли мамлакатлардаги аёлларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, жамият ривожига иштироки билан яқиндан танишиш, шунингдек, ўзбек маданияти, урф-одат ва қадриятлари, хотин-қизларимизнинг оиладаги ўрни ва жамиятдаги мақомини жаҳонга кенг ёйиш мақсадида Тошкент



вилояти ҳокимлиги қошида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Хамдўстлик» клуби ташкил этилди. Нодавлат, нотижорат ташкилот бўлган ушбу клуб фаолиятига 16 дан ортиқ хорижий давлатлар жалб этилди. Жумладан, Америка, Франция, Япония, Италия, Олмония, Буюк Британия, Индонезия, Ҳиндистон, Малайзия, Эрон, Исроил, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар клуб билан ҳамкорликни бажонидил бошлаб юбордилар.

2002 йил 9 октябр кунин вилоят ҳокимлиги биносидан «Хамдўстлик» клубининг тантанали тақдирот маросими ўтказилди. Клубнинг мақсади аёлнинг ҳаётдаги ва очик демократик жамият қуришдаги мақомини кучайтириш учун барча соҳаларда унинг фаоллигини кенгайтириш орқали ёрдам кўрсатишдан иборат.

Сувратда: «Хамдўстлик» аёллар клуби тақдирот маросими иштирокчилари.

Ўз мухбиримиз

Агар ёдингизда бўлса газетамизнинг 39, 40-сонларида фарғоналик Зулайхо исмли аёлнинг «Ҳаёт давом этаверар экан» номли дил изхори чоп этилган. Ушбу мақола ўзгалар дарди-

МУРУВВАТИМИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАЙЛИК...

ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁ БУ...

ни ўз дардидек қабул қилувчи ўқувчиларимиз эътиборини тортмай қолмади, шу буйича таҳририятимизга кўнғироқлар, ташрифлар бўлди.

...Чеварликдан оз-моз хабарим бор. Аммо шогирдга тушиш 10000 сўм деб эшитиб боролмадим. Келажакда Худо хоҳласа керакли маблаг топсам, «Машҳура» фирмасига бормоқчиман. Катта чевар бўлиб кетсам, қолган умримни ҳаётда қийналган инсонларга яхшилик қилиш билан ўтказмоқчиман», - деб ёзганди Зулайхо.

Таҳририятимизга 30 ёшлардаги,

истараси иссиқ, ўзи кўркам бир йигит (исмини сир туттишимизни илтимос қилди) келиб Зулайхо опага моддий жиҳатдан ёрдам

бермоқчилигини айтди. Йигит 10000 сўм пул қолдириб уни Зулайхога юборишимизни илтимос қилди. Биз ушбу суммани Фарғонага, Зулайхо опанинг номига жўнатиб юбордик. Мана шундай меҳри дарё, савобталаб инсонлар ҳаётимизда кўп эканлигидан бошимиз кўкка етди. Зеро, савоб ишни ҳар биримиз, ҳар кун қилишимиз кераклигини унутмайлик, азизлар...

Яна «Ҳаёт давом этаверар экан» дил изхори хусусида таҳририятимизга Зулайхо номига шундай хат келди:

илойим.

Чеварликка қизиқар экансиз. Жуда яхши. Агар истасангиз, «Ойла зийнати» ўқув марказимизда бичиш-тиқиш, шунингдек турли касбларга ўргатадиган ўқув курсларимизга келиб, бепул касб-хунар ўрганишга сизни таклиф этамиз.

Келинг, сизнинг ташрифингизни кутамиз!

Маъмура КУДРАТОВА, Республика «Ойла» илмий-амалий маркази қошидаги «Ойла зийнати» ўқув марказининг директори.

Телефонларимиз: 45-18-68, 29-28-58, 191-78-02, 29-61-86, 29-53-34.

Хурматли Зулайхо!
Мақолагизни ўқиб гоят таъсирландик. Сиз турмушининг анча синовларини бошингиздан кечирган экансиз. Сиз билан бирга кўйиндик, изтироб чекдик. Наҳора, бунинг бежизга синовли дунё дейишмас экан-да. Лекин сизга бу жиҳатдан қойил қолдик. Ўзбегимнинг сиз каби покдла, тўғри, меҳр-муҳаббатли, меҳнатқаш қизлари борлигидан фахрландик ҳам. Меҳнат, яхши ниятлар, яхши амаллар сизни келажакда албатта бахт-қўққисга олиб чиқишига имонимиз қомил. Яхшилик, эзгулик, меҳру садоқат, эътиқод, ишонч ҳамроҳингиз бўлиб қолсин

ШОШИЛИНГ! ШОШИЛИНГ!



Сувратда: «Ойла ва жамият»нинг андижонлик ашаддий муҳлиси ва фаол муаллифларидан бири - Умидабону ЙЎЛЧИЕВА.

Сиз севган «Ойла ва жамият» газетаси учун 2003 йилга обуна бошланди. Кўпсонли муҳлисларимизнинг истак ва тақлифларини инобатга олган ҳолда севимли газетангизни келгуси йилдан бошлаб 16 саҳифада чоп этамиз. Демак, у янада қизиқарли ва янги руҳларга бой бўлади. Ваъданимизга асосан ўтган йилги туртимиздаги жуда кўп муҳлисларимизнинг табрик ва мақолаларини газетамизда бепул чоп этдик. Бу йил ҳам газетамизга обуна бўлган муҳлисларимиз ўз обуна тўловномалари нуқсасини мақола ва табриклар билан матнига қўшиб таҳририятимизга юборишса, яна шундай имкониятларга эга бўлишади.

Хурматли юртошлар, қадрли муҳлисларимиз! «Ойла ва жамият»га биринчилардан обуна бўлиб, уни ўзингизнинг севимли кишиларингизга соғва қилсангиз ҳам, уларга йил бўйи унутилмас яхшилик қилган бўласиз. Бу йил ҳам сизларга ана шундай имконият бериб, сизларнинг хизматингизда бўлишдан манъумиз. Ўз оила аъзоларингиз билан ташин суратларингизни, кутубларингизни биринчи навбатда босиб чиқарамиз.

Азизлар! Ота-онангизга ёки ўз яқин инсонларингизга айтадиган қалб сўзларингизни вақтида айтишга шошилинг. Умр қисқирсат ганимат дейдилар. Кейин армон қўнғингизни эзмасин. Шошилинг, шошилинг, шошилинг!

Газетамизга обуна бўлиш учун ўзингиз яшаб турган ҳудуддаги алоқа бўлимларингизга мурожаат қилсангиз, бас. Йил давомида сиз билан бирга бўламиз.

«Ойла ва жамият» газетасининг таҳририяти

АЁЛЛАР, ТЕНГЛИК, ҚУРАШУВЧАНЛИК

Шу йилнинг 11 октябр кунин Ўзбекистон Бадий Академиясининг Замонавий санъат кўргазма залида Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Жаҳон хотин-қизларни ҳимоя қилиш ташкилоти (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида ташкил этилган «Аёллар», «Янги аср аёллари», «Янги образлар», «Аёл - она, Аёл - меҳнатда», «Аёл - ҳаёт учун курашда», деб номланган фотосуратлар кўргазмаси очилди.

Фотокўргазмага Озарбойжон, Арманистон, Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Молдова, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон давлатлари қатнашдилар ва кўргаз-

Нима? Қачон? Қаерда?

ма учун 900 донна фотосуратлар тақдим этилган бўлиб, улар орасидан 126 таси танлаб олиниб томошабинларга намойиш этилди.

Барча фотосуратларда ҳозирги кун-

даги турмуш жараёнида аёлларимизнинг жамиятда тутаятган ўринлари, изланишлари, курашлари намойиш этилган.

Кўргазмани Республика Бош вазирининг ўринбосари - Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова очди ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни, жамият учун қилаётган меҳнатлари, БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликдаги қилаётган ишлари ҳақида йиғилганларни таништирди.

Лола АХМЕДОВА

Гиеҳвандлик ва унинг оқибатлари ҳақида бироз саёзроқ фикр қиларканман, очиги бу иллат инсонни ўз ногорасида қанчалик ўнатишини чуқур ўйламаган эканман. Бир кишини, аниқроғи, гиеҳвандлик аталмиш гирдобнинг қаърига шунгича, оқибатда бору йўғидан айрилган акахонни кўрдиму, ўша қабиҳ иллатнинг асл қиёфасига юзмаюз бўлдим.

Эрталаб. Кўёш ҳали осмон узра кўтарилиб, иссиқ нурларини заминга сочиб улгурмаганди. Бозор четидаги боғ ичидан юриб борардим. Боғ тинч, одамлар сийрак бўлгани учунми олдимда бир киши қўлида озгина юки билан менга термулиб турганлигини пайқадим. У шунчалик озгин эдики, ҳатто ўз оёқларида зўра тикка турарди. Ўйноқи шамол уни йиқитиб юборгудек гўё. Яқинлашганим сари юзидаги мунгли, ғамни тобора яққолроқ сезардим.

- Ука, қалайсан,- деб гап бошлади у, - мана шу юкларни бир пасга кўтариб турсанг... ерга қўймайман.

Унинг гапларидан хилла ажабланиб юкларини қўлимга олдим. Улар ҳар икки қўлида целлофан пакет ичида турган бўлиб, бирида 3-4та тухум, яна бирида эса 2-3та бодринг ва помидор бор эди. Сўнг у ўйлаб четидаги дарахт тубига охиста энжайди ва у ерда оқиб турган водопровод сувига қўлини, кейин юзини аста-секин юва кетди. Гапдонлигим тутиб қолиб:

- Бу нарсаларни кимга олиб кетаясиз? - деб сўрадим.

У ўрнидан туриб юришга тушаркан: - Хўв анави касалхонада ётибман. Зерикканимда айлангани чиққандим. Ўртоқларим қўярда қўймай шуларни бозордан олиб беришди. Ўзи озгинаю, бироқ оғирлик қилаётувди. Ҳалиям сен ураб қолдинг. Ўзинг бирор жойда ўқийсанми?

У шунчалик қийналиб, шунчалик қалтираб гапирардики, ҳатто ҳар қадам ташлаганида сўзлари бўлиниб қоларди. Унга назар ташларканман, ичимда изтироб ва қайғу авж оларди. Энтикиб:

- Ҳа, мактабда ўқийман,- деб жавоб қилдим.

- Укам, ўқийвер. Тинмасдан ўқи. Ҳозир ўқиганинг замони. Мана мен,

вақтида ўқимай лаънати безорилар билан улфат бўлиб, ҳозир азобини тортаётман. Тенгқурларим бари билимли, маълумотли бўлиб кетишган. Уларга ҳавас қиламан. Ўзимни бўлса, кеча-ю кундуз сўкаман. Бошқаларга ўхшаб мен

СИЛ

хам... - деди-ю бирданига йўтали тутиб қолди. У йўталаётганида юзларини, лабларининг қалтирашини, бунинг вуждининг азоб тортаётганини кўрган киши азбаройи ачинганидан йиғлаб юборарди. Довдираб, ҳаяжонланиб гапини яна тинглай кетдим, - вақтида билми олганимда, ҳозир бундай холга тушмасидим, балки.

- Сизнинг шундай аялчи аҳволга тушишингизга нима сабаб бўлган, деб ўйлайсиз?

- Эй... Сен сўрама, мен айтмай, - яна бир бор йўталиб гапида давом этди. - Бари болаликдан бошланди. Бошида сигарета чекардик, аста-секин ароқ ичишни ўргандим. Тўқликка шўхлик қилиш тайёр билимдан кечиб юраверибман. Мактабни тугатгач бу хомкаллани ҳеч қаерга ўқитиш учун қабул қилишмади. Кейин янги ўртоқлар билан танишдим. Улар билан ошно тутиниб, "нарко-бизнес"га кириб қолибман. Ишларим юришгандан юришар, қўшлоқда эса мени етадиган йигитнинг ўзи йўқ эди. Кўпчилик мен тенги ёш йигитлар шаҳарда талаба бўлиб, стипендиясига зўрга кун кечиришарди. Менинг қафим тўла пул, ошғим олчи эди. Аммо шу орада ўзим ҳам гиеҳвандликнинг қўлига айлан-иб улгургандим.

- Ваз кечишга уринмадингизми?

- Қара-я, ўшанда ҳаёлимгаям келтирмаган эканман. Фақат... фақат героин билан қўлга тушиб ёмон эзилдим. Саккиз, йилга кесишди. Бор-будимдан айрилиб қамалиб кетдим. Инсон боши деворга бориб урилгандагина ўзини англаб етаркан. Бир томонда ёзда иссиқ, қишда совуқ камералар, иккинчи томонда гиеҳвандликнинг ҳумори ҳаётдан тўйдириб юборди. Дунё кўзимга қоронғу қўринарди. Ростдан-да, шамолга эркинлик бор, нурга эркинлик бор, туйнукдан бемалол кириб-чикиб юришибди. Шулар-

ни кўриб тош бўлсанг ҳам эриб кетаркансан, одам. Ана шу пайтда эркинликнинг қадри ўтаркан. Тўрт девор ичида қафсдек тешикка термулиб ётавериш, фақат йиғларкансан. Қадрига етмаган эркинлики кўсаб, соғиниб йиғларкансан, хўрланиб йиғларкансан, - деди-ю бирданига кўзларига ёш қалқиб кетди.

ТЕККАН



Қалтироқ қўлларини зўрга кўтариб кўзларидан сизилиб оқаётган ёшларини чала-чулла артарди. Уни кўриб азбаройи менинг ҳам йиғлагим келиб ўзимни зўрга тўхтатиб қолдим. У йиғлаб келган гапида давом этди:

- Зах деворлар ичида қамалиб ётавериб қасалга чалиниб қолдим. Дўхтирлар "сил" деб ташхис қўйишди. Вақт ўтгани сари тобора нафас олишим қийинлашиб борарди. Нуқул йўталардим. Шу зайдла уч йил ўтирдим. Кейин амнистия сабабли озод қилишди. Ўйга бордим. Қоранг ўчгур гиеҳвандлик ҳумори яна авж олди. Ўзимни тутиб, туйғуларимни жилавлай олмасдим. Бир куни улфатлар билан чойхонада роса отамлашибмиз. Авжи изғирин кўнлари эмасми, уйга маст холда қайтаётиб, куннинг совуғида йўл четида ётиб қолибман. Дард устига чипқондек қамоқда ортириб келган касалим хуруж қила бошлади. Бирданига иштаҳам бўғилиб, тўшакка мих-

Гиеҳвандлик — вабо

ланиб қолдим. Кундан-кун озиб тўксон килолик вазим эллик килога тушиб қолди. Ярим йил ўзимдан нафратланиб, Аллоҳдан ўлим сўраб ётдим. Ажал мендан ҳазар қилгандек жонимни олмади. Охириги кўнлари ҳеч нима истеъмол қилмай қўйдим. Оғзимдаги ошани чайнашга мадорим қолмаганди. Кейин касалхонага ётдим. Худога шукр, бир-

ВАБО

икки кундан бери помидор билан қатиқ ёб турибман.

Унинг касалхонаси олдида тўхтадик. Қўлига омонатини тутқазар эканман:

- Ҳа, ҳаётингизда яхши ишлар бўлмабди. Шундай бўлса ҳам қилган ишларингиздан пушаймонмисиз ёки...

У бирданига гапини бўлди ва:

- Йўқ, пушаймон эмасман,- деб бандан овозда бақириб юборди - Нафратланаман. Дўстимиз, дея шу қўйга солган душманларимдан нафратланаман. "Нарко-кош"лигимни, вабо текканини била туриб, ўзларининг ишларидан аримаган, мени тўғри йўлга солмаган, томирида ўзларининг қони оқаётган ўлига ёрдам бериш ўрнига эътибор ҳам бермаган садқаи ота-онамдан нафратланаман. Ҳаётдан тўйдим, ўлгим келяпти,- деди-ю қўлидаги юкларини ерга ташлаб юборди. Тухумлар синиб, сабзавотлар сочилиб кетди. Мен довдираб қолгандим. Тўғриси, унинг бу ишига ўзимни айбдор ҳисоблардим. У бироз жим турдида, кейин: -Менинг гапимга ҳайрон бўлма. Аҳолимни кўриб турибсан. Қачон ўлишим номаълум бўлиб қолган. Балки гапларимни эшитган сўнгги одам сендирсан. Мени кечир,- деб касалхона ичкарисига аста йўл олди. Унинг ортидан эзилган юрагим билан термулиб қоларканман, шоир айтганидек:

**Ахлоқий тубанликдан,
Уринсиз хушсуханликдан,
Огоҳ бўлмас ҳар ким,
Равсо бўлган фарзанднинг
Ҳолини кўрар бир кун,
- дегим келди.**

**Рустам ЎТАМУРОД,
Республика Нафис санъат
лицейи талабаси**



Тахририятимизга кириб келган бу кишининг кўзларида адосиз ҳасрат кўринарди. У ўлтирди ҳадеганда гапирарди. Кўзларидан қуйилаётган ёшлари халал берарди. Ниҳоят!

- Синглим! Айрилиқни кўп кўрдиму энг оғир фарзандингдан жудо бўлиш эканлигига ишондим. Ёлғиз ўғлим, Фарҳодимдан қутилмаганда айрилиб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Аслида Афғонистондаги хизматим давомида жуда кўп ўлимларни кўрганман. Мен билан хизмат қилган йиғитлар оламдан кўз юмганида юрагимдан қонлар томганди. Анча дийдам қаттиқ деб юрардим. Аммо... Шу кўрган-кечирганларим оқибатида икки марта юрак хуружини ҳам бошдан ўтказдим. 50 ёшга қирмай ўғлим, умидимдан айрилдим...

- Ўғлингиз касал эдимиз?

- Касал нималигини билмаган, пахлавондек эди, болагинам. Фожеа рўй бериб... Бирданига ҳам Фарҳодимдан, ҳам қўвимдан жудо бўлдик. Онансининг аҳолини айтмасам ҳам тушуниб тургандирисиз. У бечора бутунлай адоий тамом бўлди. Унинг нолалари юрак-бағримни эзиб

БЕВАҚТ ЎЧМАСИН ЧИРОҒИНГ...

юборганида уйдан чиқиб кетаман. Тўғри боламнинг қабрига бориб соатлаб ўтираман. Унинг гўдақликдан то шу кунгача бўлган қиёфаси кўз олдимдан бир-бир

ўтаверди.

Ўзини Равшан Қурбанович Юсупов, дея таништирган бу киши 1979 йилдан 1996 йилгача Давлат Хавфсизлик хизмати идораларида масъул лавозимларда ишлаган экан. Қўлимдан келганича унга таскин бермоқчи бўлдим, аммо...

Болам, болам, дея оҳ ураётган бу кишига бир сўз ҳам ортиқча эди. У сўзида давом этди. - Шу маҳаллага қўчиб келганимизда маҳалладошлар билан ҳаммамимиздан аввал ўғлим Фарҳод тил топишиб олганди. Қўшилар ҳам уни ёқтириб қолдишди. Ўзим ҳам баъзан ҳавас қилардим.Чунки, қачон уйга келса қўли кўксидида "Ассалому алайкум, адажон, ойи-жон!"- деб кирарди. Аиниқса болаларни яхши кўрарди. На доматлар бўлсинки, унинг ўзига туғилажак фарзандини кўриш насиб этмади.

- Оталар фарзанд ўстириб ўғил қўрса, тобуткашим бўлсин, мени тепкилаб кўмадимганим тўғилди, деб қувонади. Мен ҳам кексайганимда суянчигим бор, дея хотиржам эдим. Бир куни навқирон ўғлимнинг тобутини елкамга олишимни, қабири устида кўз ёшларимни тўкишимни ким ўйлабдики... Не қилсам

Фарҳодга суянардим. Шунга ишониб яшардим. Энди ўзим ҳам бу дунёда омонатдекман. Ўғлимдан ҳеч бўлмаса бир хотира қолсин, дея "Хотира-муқаддас" руқнида бирор нарсаси ёздирсам дегандим...Болам жуда чироий эди-я, у ҳақда чироийли қилиб ёзинг, илтимос...

Балки бу кўргуликда мен ҳам

айбодормиканман?

Чунки

кексаларимиз

"Нимага меҳр қўйсанг, Оллоҳ

шуни сендан олиб қўяди",

дейишганини кўп эшитгандим.

"Болангни жуда сўйсанг, қалб

бингга тош со", дейишгани

да ҳам бир ҳикмат бордир.

Мен эса ўғлимга ҳаддан ортиқ

меҳр қўйибман... Равшан ака

нинг кўз ёшлари гапиришга

йўл қўймади. У: "Мен кейин

роқ, боламнинг маъракалари

ни ўтказиб яна келаман. Бир

дўстимга айтиб ёздириб кела

ман.У ҳақда бошқа гапир

майман энди, - деди-да кет

тишга қолганди. Равшан ака

ни кузатдим-да, яна қозғола

рим орасига кўмилдим. Кунда

ли ташвишларим билан бўлиб

бу ташвишлар унутган ҳам

эдим. Яқинда бўлган бир

кўнғироқ яна ёдимга солди.

- Синглим, мен Равшан Юсу

повнинг дўстиман.Унинг ўғли

ҳақида ёзаётгандим.

- Жуда яхши, олиб келинг

- дедим.

- Афсус... Дунёнинг ишини

қарангки, ҳали ўғли ҳақида

ги хотирани ёзиб тугатмай

туриб Равшаннинг ўзидан ҳам

айрилиб қолдик...

Айтишларича, Равшан аканинг келини Нилуфархон қиз кўрибди. "Азизу-мукаррам бўлиб юрсин", дейишиб, қизалоққа Азиза дея исм қўйишибди. Равшан ака ҳар куни ишдан келиши билан жажжигина назирачасини қўлига олиб суюб эркаларкан. Шу маъсумгина, болагинасининг боласи билан сал овуниб жудоліқни унутгандек бўлар экан. 1 - октябрь

кунини у муаллима

рафикаси Раъно опани бай

рам билан табриклар бир қучоқ

гул, турли совғалар келтириб

ди. "Бугун ойингизнинг байра

ми, ҳаммангиз уйда бўлишин

гиз керак", дея қатта қизи

Дилнозага набиралари Саид

акмал, Саидакбарни олиб уйга

келишини тайинлабди. Ҳамма

жаз бўлиб хурсандчилик билан

бошланган байрам эса...

Фожеа билан ниҳоясига етади.

- Эҳ, бевафо дунё, "Болам,

болам", дея жигар-бағри

эзилган Равшан ака энди ора

мида йўқ. Ўша кунини унга к

ерагича таскин-тасалли сўзла

рини айта олдимми, йўқми

билмайман. Нима бўлганда ҳам

газетамаизни ўқиб, ундан

қўнғилга таскин-тасалли изла

ган муҳлисимиз бу дунёни

тарк этибди.

Яқинда 50 ёшга тўлган Рав

шан ака ҳам, не-не орзу-умид

лар билан 25 ёшни қаршила

ган Фарҳод ҳам хотирага ай

ланишди. Улар уйларида унча

узоқ бўлмаган Оқ ота қабри

тонидаги сўнгги масканлари

да ёнма-ён, мангу уйкуда ёти

шибди. На чора. Оллоҳнинг

хоҳиши шундай экан-да. Кўп куйиниб қайғурган билан ўтганини қайтариб бўлмайди. Бошимизга неки иш тушганда ҳам сабрли, тоқатли бўлишимиз керак. Эҳтимом, ортиқча оҳ уришлар Яратганга хуш келмас...

Юнусобод туманидаги Шахристон кўчасида яшайдиган, умр йўлдоши Равшан акадан, ҳам ёлғизгинаси Фарҳодбекдан айрилиб дарди бир жаҳон бўлиб ўтирган Раънохон опага Оллоҳдан сабр тиламоқдан ўзга нима ҳам дейлик! Энди кўксидидаги армонини умрбод ҳамроҳ бу аёлнинг қайғусига биз ҳам шерикмиз. Қизларингизнинг бахтига сиз омон бўлинг, Раънохон опа. Қўнғил ўқисик қизларингиз Дилноза билан Дурдоналарга ҳам ота, ҳам она бўлиш, хонадонингиздаги барча тирикчилик ташвишлари энди сизнинг зиммангизда. Қолган фарзандларингиз ва жажжигина Азизахоннинг орзу-ҳавасларини кўриш бахти ҳам энди сизга насиб этсин. Равшан ака билан бунёд этган оилангиздаги фарзандларингиз учун сиз суяган тоғисиз. Азизларингиз ўтган хонадонинг чироғини ўчирмай, уларнинг руҳларини ёд этиб яшамоқ ҳам саваб. Тақдир қутулмаганда шунча синоатлар солган уйингизда бундан кейин яхши кўнлар, тўйлар бўлсин. Ушбуларни ёзарканман: Илоё юртимиздаги ҳеч бир муҳлисимизнинг ҳаёт чироғи бевақт ўчмасин, дея тилак қилдим.

Басира САЙДАЛИЕВА

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН ОТДАН ТУШИНГ

- 5 ойдан бери мен ҳам газеталарингизнинг мухлисиман. Унда берилаётган мақолаларнинг баъзи бирлари менинг тақдиримга ўхшаб кетаркан. Менинг ҳам тақдирим ҳақида эшитишга вақтингиз борми? - дейди Андижондан кўнғироқ қилаётган йигит.

- Албатта, ёшингиз нечада, исмингиз нима?

- Ёшим 30да, исминим ёзмай кўя қилинг, ёки шартми?

- Хоҳишингиз, нима демоқчи эдингиз.

- Не-не орзу-хаваслар билан мен ҳам оила курган эдим. Хотиним билан севишиб турмуш курганмиз. Бир ўғил, бир қизим бор. Каттаси олтида, қизча ҳам яқинда унга қадм қўйди. Тижоратни тушунсангиз керак. Тонг сахардан чиқиб кетиб, сал кечроқ қайтишимга тўғри келади. Оилам, болам-чакам деб ёлби-югуриб юраманда, опа. Шу иш билан шуғулланим, тинч оиламга жанжал кириб келди. Хотиним мени очикчасига, гоҳо ундан-бундан суриштириб рашк қиладиган одат чиқарди. Беайб бўлганидан кейин тутакли кетаркансан киши. Унга: "Уйнашим билан ушлаб ол, исботла, кейин тўпнинг оғизига қўйиб отсанг ҳам розиман", деб минг маротаба айтсам ҳам йўқ, жонимга теккан эски қўшиғини қўлайверарди. Мен ҳам баъзи бировларга ўхшаб уйда обқни алмаштириб ётиб, хотинимни бозорма-бозор тижорат билан шуғуллантириб қўйсам, пул топиш, рўзгор боқиб осон эмаслигини тушунарди. Лекин менинг виждоним йўл қўймайди, хотинимни қўлга тўрва бериб кўчага чиқариб юборишга. Буни эса хотиним тушунмайди. Бошқаларга "Мен бадфелъман, рашким хуруж қилса нима қилай", деймайди-да, ичиди деб айбни менга ағдарди. Узим рулда бўлсам, қандай қилиб ичман. Тўғри, тўй-ғаш-такда кўп қатори ичсам, баъзан чарчаб келиб овқатдан олдин 50 грамм ичсам араҳхўрми? Бир кун ишдан роса толиқиб қайтгандим. Овқатдан олдин 50 грамм ичди деб пиллага арқ қўйсам, хотиним пиллагади арқоли олиб гиламининг устига селиб юборди. Бу ҳол нафсониятига тегиб, бир таскаси урди. Хотиним шангилаб, мени сен-сенлаб қарғай бошлади. Болаларим кўржамсин деб тишимни-тишимга босиб индамадим. Эртаси кун ўрнимдан турсам, хотиним ҳам, болаларим ҳам уйда йўқ. Чой ҳам ичмай ишга кетдим. Кечкурун ишдан келсам, қўшимиз уйимизнинг қалитини қўлимга тутқазиб: "Хотинингиз 3-4та қариндоши билан келиб, уй анжомларини машинага ортиб кетишди", - деди. Уйга кирсам уй яп-аланғоч, ҳеч нарса қолмаган. Эртаси кун суриштириб боргандим қайнонам: "Энди сизларнинг турмушларингиз бўлмайди, қизимни ажратиб оламан", деб айтди. Хотиним эса мен билан кўришишни ҳам, гаплашишни ҳам хоҳламади. Болаларимни кўриб юрагим эзилиб ноилож уйга қайтдим. Орадан ҳафта ҳам ўтмай судга чиқаришди. Бормайман дегандим, ота-онам "қонун билан ҳазиллашма", деб кўяр-да-қўймай жўнатишди. Судга бир ўзим

бордим. Хотиним эса ўқаси, опасини ҳам эргаштириб олган экан. Аризасида: "Эрим ҳар кун ичиб келиб жанжал қилади", - деган гаплар бор экан. Суд раиси хотинимга: "Эрингиз ҳар кун ичса, рулни қандай бошқаради", деб савол берганда жавоб қайтаролмай қолди. Лекин у: "Мен эрим билан яшашни хоҳламайман", деб туриб олди.

Суд бизга ўйлаб кўришимиз учун бир ой муҳлат берди. Бир ойдан кейин ҳам хотиним шу сўзида туриб олди. Хуллас, бизга янаги берилган муҳлат ҳам самара бермади. Биз қонун йўли билан ажралдик. Болаларим хотинимнинг қўлида қолди. Шу воқеага ҳам мана 8 ой бўлди. Уйланай десам, болаларим кўз ўнгимдан кетмайди, уйланмай десам ёлғизлик азобидан қийналиб кетдим.

- Ука, шамол бўлмаса дарахнинг учи бекорга қимирламайди. Хотинингизнинг ишончини оқламагандирсиз, рашк қилган? Хотинингизга ҳали ҳам кўнглингиз борми. Ярашишни хоҳлайсизми?

- Етти йил бир ёстичқа бош қўйдик, иккита гулдай фарзандимиз бор, озми-кўпми бир-биримизни тушуниб қолгандик.

- Демак, қонун йўли билан ажралган бўлсангиз ҳам, ундан кўнгил узолмаётганингизни ҳис этиб турибман. Бунга сабаб, фарзандларингизнинг борлиги. Сизку эркак киши эрталаб ишга чиқиб кетиб иш билан овунасиб. Дўстларингиз билан улфатчилик қилиб дардингизни унутгандай бўласиз. Шу ўринда рашк сабаб, аччиқ устида "ажраламан" деб туриб олган хотинингизга ҳам ҳозир осон эмас. Чунки сизнинг қўнғингиздан бўлган болаларингиз ҳар лаҳзада унга сизни эслатиб туради. Ҳали: "Пиллагади арқоли гиламга сочиб юборди", дегандингиз. Бу ҳол унинг жаҳл устида қилган одобсизлиги албатта. Аслида шуни бошқача йўл билан тушунтирсан ҳам бўларди. "Тоғ Мухаммаднинг олдида келмасан, Мухаммад тоғнинг олдида боради", деган нақлга амал қилишингизга тўғри келади энди. Шу чорани қўллаб ярашишга ҳаракат қилинг. Фарзандларингиз тақдирини учун отдан тушинг.

Аям раҳматли: "Аёл киши мушукка ўхшайди, бошини силасан сенга ўзини яқин олиб суйкалаверади, мабодо дўк, пўписа ёки бўлар бўлмасга турткилайверсанг ўзини олиб қочади, сендан беэби қолади", дегандилар. Буни ҳаётий тажрибада ҳам кўрдим. Бир кун ишдан асабийлашиб келгандим оёқ кийимимни ечаётсам эркакот мушугимиз миёвалаш келиб оёғимга суйкала бошлади. Жаҳл устида мушукни тепиб юбордим. Шу-шу мушугимиз мени кўрса ўзини олиб қочадиган бўлди. Демокчиманки, сиздан ҳам айб ўтгандирки, хотинингиз "ажраламан" деб туриб олган. Аёл зоти ширин сўзингиз гадоси. Икки жумла ширин сўзини қулоғига шивирланг, олам гулистон.

М. КАРИМОВА

Чоршанбадан чоршанбагача — Кўнғироқларингиз...

ВАЗИЯТНИ ЯХШИ ТОМОНГА ЮМШАТИНГ...

- 52 ёшда хўжайинимни жин уриб, фоҳишаларнинг этагига ялашиб, дом-дараксиз йўқ бўлиб кетди, - дейди Сирдарёдан кўнғироқ қилаётган аёл.

- Нечта фарзандингиз бор?

- Бта, олдинги хотинидан 6 та фарзанд бор эди.

- Йў-ё, ақл бовар қилайди, 11 фарзанднинг отаси бўлган кишининг дом-дараксиз йўқолиб кетишига.

- Мен уйдан кетди дегиман. Биринчи хотинимнига бориб турганимиз. У хотиндан бўлган фарзандлари аллақачон уй-жойли бўлиб кетишган. Кичиги менинг катта фарзандим билан баравар. 20га киради. Энди уларга ота ҳам керак эмас. Вақтида хотинимга кўнғилсизман, деб 6 болани қўзини мўлтиратиб ташлаб кетган ота, энди уларга керак бўлармиди?


Аслида биринчи турмушдан фарзандимиз бўлмагани боис ажралганман. Бу кишига тегиб, фарзандли бўлганимдан ниҳоятда бахтиёр эдим. Қувончим болаларни уй-жойли қилиш ташвиши билан қоришиб кетди. Бўйи қатори ўғли бор отага саждайи бу гап. Нуфузли бир ташкилотда ишлаб, қўлга ақл ўргатадиган одам ўз болалари тақдирини, келажагини ўйламагани менга алам қилади. Эрта ўғлимни уйла-сам, қизимни узатсам отасини нима деб тилга оламан. "Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма", дегани шу бу бўлса керак-да.

- Сизнинг ҳам ёшингиз 45 да экан. Болаларингиз бўй қўзиб қолганида эрингизнинг дабдурустдан уйдан чиқиб кетиши мени ўйлантириб қўйди. Минг хотинбоз эркак ҳам ҳар қандай жирканч номаъқулчилигини битириб бошланасига қараб шошади. Эркак киши бўлганим учун эрингиз тарафини олишга ҳаракат қилаётганим йўқ. Мен бу фикр

дан тамоман йироқман. Унинг-ку кўнғил нопок экан. "Эрни эр қиладиган ҳам, қаро эр қиладиган ҳам хотин", деган гапни сиз ҳам эшитгансиз албатта. Наҳотки, шу "қаро эр" эркакни элаб, йиғштириб олишга қувонгиз етмаса? Фоҳишалар соҳ-соқолига оқ оралаган эркакнинг ўзига эмас, қўнғигаги ишқивоз бўлишади. Мансабу мартабаси ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади. Сиз вазиятни жаддийлаштирмай, яхши томонга юмшатиб, ўша хўжайинингиз қўлдай ювотиб тортиб, мулла минган эшакдай оиласига қайтганини ўзи ҳам билмай қолади ҳали.

ЭСЛАТМА: Мени ҳеч ким тушунишни хоҳламайди. Ҳатто энг яқин дугонам ҳам менга қарши. Ёшим 18да. Ойилаи, бола-чақали, 30 ёшли бир йигитни яхши кўриб қолдим. У хотинига кўнғилсиз экан. Унинг ғамгин кўзлари кўз ўнгимдан кетмайди. Бу ҳақда онамга айтишга қўрқаман. Хотинидан ажралиб менга ўйланмоқчи. Қандай йўл тутишга ҳайронман.

ҲАР КИМНИНГ БОШИ



- Сизга кўнғироқ қилганимдан бери, уйдагилар с е з и б қолишсан и м а қиламан, деб кўрқиб юргандим. Ҳар қалай сезишмади. Ваъда берганимдай яна кўнғироқ қилаяп-

ЎЗ ЕЛКАСИДА...

ман, - дейди "Сиз ҳали ғунчасиз", номли мақоланинг қаҳрамони бўлган қиз.

- Жуда яхши, нима қарорга келдингиз?

- Ўтган сафар бир гапни сизга айтиш эсимдан чиқибди. Дадамнинг бир синфдоши ҳам бизникига тез-тез келиб турарди. Ўша кишининг мендан икки ёш катта ўғли ҳам бир-гара келарди баъзида. У бола институтининг 4 курсида ўқийди. Ўзи келишган йўлиту, сал галатирок, ўта уятчан. Гап сўрасангиз жавоб беради, ҳазил-хузул қилсангиз қиз боладай уялиб қўзини олиб қочади. Онам бир неча марта у ҳақда менинг кўнғилимни билмоқчи бўлганида: "Э, қўйинг шу латтани, у менинг тенгим эмас, оғизда аталаси турмайди унинг", - дердим, ўша оилали йигит ҳақида ширин-ширин ҳаёл сурардим. Чунки у йигит ҳазил-мутойибани ҳам, гапни ҳам қотириб қўярди.

- Мен сизга айтгандим, "у очилган гул" деб, - дея сўхбатдошимнинг гапни бўламан мен. Қўзини олиб қочган ўша дадангизнинг ўртоғини ўғли эса сизга ўхшаб ҳали ғунча. У ҳам 30ни қоралаб қолсин-чи, кўрасиз бўлбулдай сайраб кетади. Ҳўш, пайсалга солмай нима қарорга келганингизни айтинг?

- Сизнинг гапингиздан бери иккилашиб юргандим. Ўша оилали кишини ундан-бундан суриштирсам, ўта рашқчи, каттиқўл, қариндош-уруғларини ҳам зириллатар экан. Бир томондан сизнинг гапларингиз, иккинчи томондан у киши ҳақидаги бу хунук маълумотларни эшитиб, кўнғилимга хавотир тушиб қолди. "Бир оғиз яхши гап одамни одамга илтида, бир оғиз ёмон гап совутади", дегани шу бўлса керак. У кишини ҳалиям севаман, лекин қандайдир қўрқув ҳам мени чуллаган. Назаримда ота-онам ниманидир мўлжаллаётди. Ҳалиги

уятчан йигит билан отаси 3 кун бурун келишганди. Онам яна у ҳақда оғиз очган эди, мен индамадим. Чунки дугоналарим уни мудом "яхши" деб макташарди. Ўтган сафар энг яқин дугонам ҳам у ҳақда оғиздан бол томиб гапирди. Мен эса: "Қўй шу айиқ-полбонни, унинг тили йўқ", дедим. Биз асли Сирдарёданмиз. Бувим ўша ёқда турадилар. Энди бувим нима деса шу бўлади.

- Қалбингиз нима дейпти?

- Менинг қалбим икки

йўлнинг ўртасида. Бир йилдан бери севиб юрган одамнинг ҳафта-ўн кунда унутиб бўладими? Сиз менинг ўрнимда нима қилган бўлардингиз? Унинг тўсатдан айтган гапи нақд қилдиқоғимдан олди.

- Ҳар қалай, сизнинг ёшингизда бўлсам жавоб беролмаган бўлардим. Мен онангиз тенги одамман. Энди эса бу даврларни бошидан кечирган одам сифатида сизга айтган гапим шу: Ҳар қандай муҳаббат олови бир кун келиб сўнади. Унинг ўрнини рўзгор, бола-чака ташвиши, орзу-хаваслар эгаллайди. Сизнинг болаларча севиб қолганингизни қоралашга ҳаққим йўқ. Оиласига кўнғилсиз бўлган йигитнинг ҳам ҳолатини тушунаман. Бу ҳаётда ҳар кимнинг боши ўзининг елкасида. Шу борада

сиз ҳам эркин қушсиз. Баҳор кезлари осмонни тўлдириб арғимчқоқ солиб турналар тизилишиб ўтганини сиз ҳам кўргансиз. Улар ҳам ўз қавми билан тўп-тўп бўлиб юришади. Бу ҳол уларнинг яшаш тарзи. Биз инсонлар ҳам бир-биримизнинг ютуғу камчилигимизни ардоқлаб, тўлдириб юришимиз табиий бўл ҳол. Аждодларимиз фойдаю зарарини кўргандиларки, "ундай қилма, мана бўндай қил", деб насихат бериб кетишган. Вақти келиб сиз ҳам менинг ёшимга етганингизда ҳозиргидай "чорасизман", демасдан ақл билан иш тутиш кераклигини тушуниб етасиз. Биз катталар ўз ҳаёт тажрибамиздан келиб чиқиб гапирамиз-да. Ҳар қалай, 84 ёшли бувижонингиз сизга ёмонлиқни раво кўрмайди. У кишининг дуосини олишга ҳаракат қилинг. Хоҳласангиз бошингиздан кечган воқеаларни ҳам гапириб беринг.

- Йўқ, ундай қилолмайман...

- Унда яна кўнғироқ қилинг.

- Бўпти.

Биз ҳайрлашдик. Унинг қоронғу тун қоплаган руҳиятидан қандайдир нурафшон тонг отаётгани билинар биллимас сезилиб турарди. Сўзининг охирида ўша ўйланмоқчи бўлган 30 ёшли йигитга бир воқеани гапириб бераман. Ҳар қалай у қилдан қийиқ ажратиб оладиган даражада ҳаёт тажрибасига эга. Эрта баҳорда қўшимиз қаердандир танаси йўгон бир ёнғоқни олиб келиб кўчасига экиб қўйди. У бир-иккита барг ҳам чиқариб улгурди. Лекин кўкармади. Яқинда унинг қуриб қолган танасини олиб ташлашибди... Сизни деб бир вилоятдан бошқа вилоятга кўчиб келиб, бу қиз бахт топармикми?

Лола АХМЕДОВА

дан тамоман йироқман. Унинг-ку кўнғил нопок экан. "Эрни эр қиладиган ҳам, қаро эр қиладиган ҳам хотин", деган гапни сиз ҳам эшитгансиз албатта. Наҳотки, шу "қаро эр" эркакни элаб, йиғштириб олишга қувонгиз етмаса? Фоҳишалар соҳ-соқолига оқ оралаган эркакнинг ўзига эмас, қўнғигаги ишқивоз бўлишади. Мансабу мартабаси ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади. Сиз вазиятни жаддийлаштирмай, яхши томонга юмшатиб, ўша хўжайинингиз қўлдай ювотиб тортиб, мулла минган эшакдай оиласига қайтганини ўзи ҳам билмай қолади ҳали.

- Ким билсин, менга энди барибир. Болаларимнинг келажаги, тақдирини ўйламаман-да.

- Шундай экан кўп куюнманг. Ўзингиз бов: "Биринчи хотининикига бормиш", деб айтдингиз. Нимага энди кўнғилсиз хотининикига бориб турадию, сизнинг олдингизга келишга бетламайди? Ҳар қандай бағришот ота ҳам

фарзандидан кечиб кетолмайди. Унинг қайтиши ёки қайтмаслиги ёлғиз сизга боғлиқ. Бизга кўнғироқ қилдингизми, демак эрингизнинг тақдирига бефарқ эмассиз. Ҳаракат қилинг, ҳали ҳаққимиз изга тушиб кетади. Аёллар эркаклар уйдан бездимни, демак унга нимадир еттишмайди. Ўша нима-нидир бошқалардан топишга ҳаракат қилади. Сиз айтганчалик фоҳишаларнинг этагига ялашиб кетган хўжайинингиз ҳузур қилиб яшаб юрибди деб ўйлайсизми, бўлмаган гап. Ҳар лаҳза фарзандлари ёдига тушиб кетиб, тортаётган ҳузури азобга айланиб юрибди. 11 фарзанднинг ўқисик нигоҳи уни бу йўлдан қайтаради, албатта. Олдий бир ҳаққикати ҳар кун кўрамиз, лекин эътибор бермаймиз. Мувозанат йўқолса, тарозининг бир палласи энгил келиши табиий бир ҳол. Мувозанатни ўз ўрнига келтириш, келтирмаслик ўзимизга боғлиқ.

Тоҳир НОРИМОВ

ЯХШИ ХОТИН ЭРИНИ ЁШАРТИРАДИ

Укам Шавкат! Ёзган хатингни ҳис-хаяжон билан ўқиб чиқдим. Турмуш машаққатини ҳўп бошингдан ўтказибсан. Хотининг қиладиган ишларни ўзинг бажариб келибсан. Сабр-тоқатингга балли. Лекин "хотиним билан ажралишаман" деган фикрингдан қайт. Одамлар бор,

тининг, «Ўзлари биладилар, хоним», - десанг, хотининг ўзи яхши кўрган овқат номини айтади. Биргалашиб қилинган таом қандай лаззатли бўлишини хотининг ўз кўзи билан кўради.

«Вой адаси, овқат пиширишнинг ҳам ўзига хос гаши бор экан», - деб хо-

«Хотин ҳам шундай бўладими?» - 14 - сон

ЭСЛАТМА: Онам бизни адамга ташлаб кетди. Ўғай она қўлида кўнглим ўқиб катта бўлдим. Вақти келиб мени уйлантиришди. Лекин хотиним уй-рўзгор ишларидан йироқ ўсган экан. Рўзгордаги супир-сидир, юв-тара, овқат қилиш менинг зиммамда. Хотиним умуман рўзгорга қарамайди. Яшаб яшамагандек ўтиб кетаётган умримни сарҳисоб қилиб ажралишга қарор қилдим.



ШАВКАТ

тирноққа зор. Уч фарзандингни тирик етим қилиб қўйма. Бу ҳолга тушиб қолишда ўзинг ҳам катта айб бор. Айибинг шуки, хотинингдан ўзи қиладиган ишларни бошидан талаб қилишинг керак эди. Ўша дастлабки кунлардан хотинингга овқат қилишни ўргатишинг керак эди. Қандоқ дейсанми, мана бундоқ:

«Жонгинам, бугун ош дамлайми», - деб айтганингда хотининг ипакдек мулоим бўлиб: «Ўзгина қарашиб юборинг», - дермиди.

Ҳеч ким хотинини дўб қилин, бақриқ-чақриқ билан йўлга солган эмас. Асабозарликдан ҳеч қандай ижобий натижа чиқмайди. Хотининг характериға нима ёқади, нима ёқмайди, шуни аниқлаб олишинг керак. Унга ёқмайдиган гапларни умуман озгингга олма. Хотинингга ёқадиған гапларни гапир.

Хотин билан яхши муомалада бўлиш, унинг оғзидан ширин сўз эшитиш тандирга нон ёпиб бўрсилдоқ нон ўзи олишдек гап.

Энди нима қиламан, хотинимнинг ҳоли бу бўлса, деб бошинг қотмасин.

Менинг маслаҳатим шундай: Орадан ўн йил ўтди, таом тайёрлашни ўргата олмадим, энди хотинимга овқат тайёрлашни қандай ўргатай деб умидсизликка тушма. Хотининг ҳам инсон фарзанди. Унга ҳам таъсир қилиш мумкин. Бунинг учун жаҳолат тўнини ечасан, бошқача айтганда, жаҳолат отига минмайсан. Жаҳолат билан бўладиган «уфатчилик»ни бутунлай йиғиштириб қўй. Хотинингга фақат яхши сўзларни гапир. Шундай сўзларни топиб гапиргинки, хотининг оғзидан табассум жилва қилсин. Таом тайёрлашни қандай ўргатаман, деб ташвиш тортма.

Бунинг ҳам ўзига хос чора-тадбирлари борки, хотининг хурсанд бўлиб, ишга киришиб кетганини ўзи ҳам билмай қолади.

«Хотинжон», дегин жуфти ҳалолингни секин елкасини силаб, эътиборини жалб этгин. «Мана, уч фарзандиң бўлди, ўн йил овқатни мен қилдим. Овқат қилишни ҳам ўзига хос гаши ва завқи бор. Сен ўйлаб кўрдингми? Шундай завқу шавқдан сен ҳам бебаҳра қолма дейман-да, хотин. Биргалашиб овқат қилайлик. Мазали овқат тайёрлашни тез кунда ўзинг билиб оласан, хотинжон», - дегин. «Қани, пиёз тўғраб, ишни бошлаб юборчи, гўштни ҳам бўлакларга бўлишни унутма, мана бундай қилиб», - деб ўз қўлинг билан кўрсат.

«Нима овқат қиламиз?» - деса хо-

тинингнинг чехраси очилса олам гулистон.

«Малакали ошпаз мен десам, менадан ҳам ўзиб кетадиганга ўхшайсан», - дегин.

Таомни хотин, бола-чақанг билан тановул қилгинки, иштаҳалар қарнай бўлсин. Ҳамма нарсга тилга боғлиқ, Тилинг ширин бўлса ҳамма иш ҳам битиб кета беради. Хотинингга яхши гапирсанг, хотин ҳам ёддек эриб кетиб, нима десанг шуни қилади. Овқат пишириш ҳам, уйни сарамжон-саришта тутиш ҳам, супуриб-сидириш ҳам, идиш-товоқ, кир ювиш борми - ҳамма ишни сен ўйлаганидан ҳам аъло қилиб бажаради. Оиланинг энг бақувват таянч устун - бу аҳилликдир. Оилангга ана шу нарсга етишмайди. Сен хотинингга яхши гапирсанг, хотининг сенга яхши гапирса, аҳил-тотувлик ниҳоли туркираб ўсиб мустаҳкам илдиэ отади. Оилангга бўлган меҳринг, муҳаббатинг яна ортади. Уйингдан кут, барирака ярмайди.

Баъзида хотинингнинг оғзидан наштадек сўзлар чикса хафа бўлмагин. Жаҳлинг чиқмасин. Пешонанганга ёзилгани шу хотин экан, муро-саи мадора қилиб, тақдирга тан бермай иложинг йўқ. Хайрон бўлма. Қизикчилар таъбири билан айтганда:

Хотинжон бўлгин омон, Сиз яхши-ю, биз ёмон, - деб гапига жавоб қайтар. Қайфиятинг аъло даражада бўлса, шу ҳолат хотинингга ҳам бўлсин.

Яхши қўшиқларни тинглаш ҳам кайфиятни очади. Ҳазил-мутаобили гаплар ҳам инсон кайфиятини кўтарди. Чиройли нарсаларга тикилиш, чиройли гулларга қараш ҳам фойдалидир. Кайфиятни яхши бўлиши соғлиққа ижобий таъсир этади.

«Тани соғлиқ - туман бойлик» дир. «Яхши хотин эрини ёшартиради», деган чиройли иборатга юз фойза қўшилган ҳолда қани энди ҳамма хотинлар ҳам шунақа бўлса дегим келади. Сенинг хотининг ҳам яхши хотинлар қаторидан ўрин олсин, иншооллоҳ.

Ушбу мақолани хотинингга ўқиб бер ёки ўзи ўқиб, юрагига гулгула тушиб, нега эримни шундай аҳволга солиб қўйдим, нега бунчалик бепарвоман, деб ич-ичидан ачиниёй ўй юмушларига астойдил киришиб кетса ажаб эмас.

Хотининг билан аҳил яшаб кетсанг газетга хат ёзиб, муҳлислар дилини хушнуд эт, Шавкат!

Юнус ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани

Собиржон! Абдуқодир Азизов оққа кўчирган кемишингизни ўқиб, «гап ўқи» кўнглингни вайрон қилганидан ранжидим. Ҳали ёш бўлишингизга қарамай, тўққиз фарзанднинг тўнғичи бўлганингиз сабабли ота-онангизга қўмақлашиш мақсадида мардикор бозорига чиқиб, меҳнатга киришибсиз. Кунига 300 сўмдан келтириб, ота-онангизнинг кувончига сабаб бўла бошлабсиз.

Не мушкулки, шерингиз билан ёғоч ташйетиб очликданми ё ёшлигингиз сабабми

Нигина ёлғиз фарзанд ва унинг ота-онаси сизга меҳрибон бўлгани учун уларникига ичкўёв бўлиб борибсиз.

Инсонийликни қарангки, қайнотангиз маош олганингизни сезиб қолса: «Ўғлим, пулингиз бўлса дарҳол отангизга бериб келинг, улар кўнглигиз, мен мактаб директори бўлсам, янгииз савдо маркази бошлиғи бўлса, мени десангиз шу гапимни қила-сиз», - дея насиҳат қилибди.

Муштарийлар, қанийди барча юртдошлар

ЭПИ БИЛАН СЎЗЛАГАННИНГ ҚУРБОНИ БЎЛ

бошингиз айланиб йиқилиб кетибсиз. Ҳушингизга келгач,

кўз очиб уй эгаси Сарби холанинг ҳолингизга йиғлаб ўтирганини кўрибсиз. Улар жонқуярлик қилиб шифокор чақиритибди, кейин ўзингизга келибсиз.

Шунда Сарби холага меҳрингиз ошиб оилавий аҳволингиз ҳақида гапириб берибсиз. Хола сиз ҳақингизда турмуш ўртоғига айтибди.

Адҳам тоға менинг ёнимга келиб ўтириб: «Раҳмат ўғлим, ёш бўлсангиз ҳам ота-онангиз, укаларингизни шунчалар ўйлабсиз», - деб бошингизни силаганидан беҳад миннатдорлигингизни изҳор қилибсиз.

Ўзингизга келиб ана ишлашингизга унашмабди, меҳрибонлик билан дастурхонга турли таомлар келтиришибди. Ёлғизгина қизлари Нигина ҳам туҳум қовуриб келтирибди: «Буни енг, мен пиширдим. Элликта оқ товуғимиз бор, уларга ўзингиз катак қуриб берасиз», - дея мурожаат қилибди.

Кечки овқатдан сўнг шерикларингизга Адҳам тоға 300 сўмдан пул қўйибди. Сизга қараб: «Собиржон ўғлим, сиз яна бир оз ўтиринг, уқол-дорилар тарқасин», - дебди. Кейин Сарби хола уйдан тугун олиб чиқиб қўлга бериб: «Ўғлим, уйингга олиб бор, нон, нондан ҳеч ким қайтмаган», - дебди.

Тугунда нондан бўлак ярим килоча чой, ярим килоча оқ қанд ва минг сўм пул бор эканлигини кўриб ҳаммангиз хурсанд бўлибсиз.

Эртасига барвақт яна уларникига етиб борибсиз. Хола сиздан дарҳол хол-аҳвол сўраб, пешонангиздан ўпибдилар.

Орадан 6 ой ўтибди. Сиз меҳрга жавобан меҳр кўрсатиб, ҳар замонда, ҳеч бир иш бўлмаса ҳам уларни кўргани бориб туриб тўғри қилибсиз.

Кунларнинг бирида Сарби хола сизларникига совчи бўлиб келибди. Уларнинг қизи

Тўйларингиздан 6 ой ўтгач, Нигина уй ишлари билан бандлигига кечкига ўз қўлингиз билан ош дамлаб, оиладагиларни хушнуд этибсиз. Бу яхшилигингиз аёзига қайлигингиз Нигина фаҳмсизлик қилиб, сизга қараб: «Ўўжайин, мен бугун 300 сўм берсам, бир чучвара ҳам пиширинг, уч юз сўмлик қувёвсиз-ку», - дебди-я! Нафосингизнинг топталгани учун тўғри уйингизга қайтиб кетибсиз.

«Эпи билан сўзлаганнинг қурбони бўл», - деган нақл ўйламага сўзлаб «қовун туширадиган» Нигиналарга қарата айтилган бўлса керак. Ақл-идрок эгаси бўлган инсон ҳаммиса «Ўйнаб гапирса ҳам, ўйлаб гапир» ишлару, йўқса ҳаёт тотувлигини бузувчи воқеаларни қўйлаб эшитганман.

Бир қайнона қувёнга эшиттириб «Ку-ё», - дебди салмоқлаб. Бу сўздан ўша қувё хафа бўлиб, «Қувё ёв бўлади» маъносини тушунибди. Жаҳл отига минган қувё шу гапнинг эртасига келиннинг бор нарсаларини машинага юклаб, она уйига жўнатиб юборибди.

Бошқа бир янги келинчак ҳам ўйламай-нетмай, қувёнинг хонадони ҳақида асаб-бузар гапларни қилибди. Бир кун: «Зиғир ёғи ўсин, жонимга тегди», - деса, бошқа кун: «Бизнинг уйимиз чиройли эди», - дея таъна қилибди. Бундан қаттиқ ранжиган қувё онасининг ҳай-ҳайлаганига ҳам қарамай, уч тонналик машинани бошлаб келиб, келиннинг юк-юрунини юклатибди-да, «Келинпошша, «чиройли» уйингизга бориб, қўй ёғи еб ўтиринг», - дебди.

Ана шундай «Емон гап билан муслмон дининдан чиқибди». Натижада гулдек оилаларга дарз кетибди. Бугина эмас, ота-оналарнинг шўри қуриб, қизлар бахти ўз қилмишидан соғирлиди, эшитган қулоқ борки, дили озор толди.

Собиржон: «Мана шу воқеага ҳам бир ой бўлди. Мен Нигинадан воз кечдим. Лекин қайнона-қайнотамдан сира кўнгли узоқламайман», - дея зорланибсиз ва муштарийлардан: «Сизлар нима дейсизлар?» - дея маслаҳат сўрабсиз.

Нигина! Оилада ёлғиз фарзанд бўлганингиз туфайли бўлса керак, эркакроқ ўсганга ўхшайсиз. Бўлмаса тарбияли оиланинг фарзанди бўла туриб жуфти-ҳалолингизни беписанд сўзлар билан ранжитиб қўймадингиз. Баъзан кам-кўстсиз ҳаёт ҳам инсонни худбин қилиб қўяди. Ўзиям воқеалар ниҳоясида бошингиз тошга теккандек бўлса керак. Агар ўқинчада яшаётган бўлсангиз, эрингизнинг оёғига бош уриб уэр сўраг, айбингизни бўйинингизга олинг, зора Собиржон сизни кечира олса... Сизнинг қилмишингиз бошқа қизларимизни ҳаётда қўйилмасликка етакласа ажаб эмас.

Афифа ҲАСАН қизи


СИЗ ХАТО ЙЎЛ ТУТИБСИЗ

ўйланг, у киши уйда овқат қилса-ю, сиз қараб турсангиз, бу инсофдан эмас. Ҳа майли, «Эру хотин қўш ҳўкиз», дейишади. Мабодо у киши ишдан эрта келиб сиз келгунча овқат қилсалар бу айб саналмайди. Аксинча рўзгорда ҳўрма, ёрдам бўлиши керак. Ҳаётни молу-давлат билан ўлчаб ҳам бўлмайди. Нигина сингилми, ҳали ҳам кеч эмас, Собиржондан уэр сўраг. Ҳали сизлар ҳаётда нимани ҳам кўрибсизлар, энди олти ой бўлибди турмуш қурганларингизга, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Худо хоҳласа шириндан-шарқар фарзандларингиз бўлади. Собиржон, сиз ҳам Сарби хола, Адҳам тоғаларни олдиға бориб бор гапни айтинг, яхшиликларини унутманг. Ўзингиз ҳам уларни ҳўрма қиламан деб ёзибсиз-ку. Нигинахон ёшлик қилганда, тил суяксиз бўлади дейишади. Нигинахон ҳам айтган сўзига пушаймондир. Абдуқодиржон ва Нигинахон, сизларга бир маслаҳатим - ўз оилангизни сақлаб қилинг. Сизлар омад ва келажақда бахт тилаб қоламан.

Раннохон НУРАЛИЕВА

Термиз шаҳри

«Уйимизга қайтдим» - 32-сон



ЭСЛАТМА: Ота-онамга ёрдам бериш мақсадида ёлғиз қизи бор бир оиланинг уйда ишлай бошладим. Улар мени ёқтириб қолишди. Нигина билан турмуш қуриб ичкўёв бўлиб қолдим. Аммо Нигинанинг бир таънаю маломати сабаб ундан воз кечдим ва уйимизга қайтдим... СОБИР

Бу дил изҳорини ўқиб чиқиб хайрон бўлдим. Наҳотки Собир ака бир оғиз сўз демай индамай чиқиб кетаверса, у кишига айтар сўзим: Сиз касал бўлиб қолганда сизни деб қайғурган, оилангизда қийинчиликлар бўлганда сизга ёрдам қўлини чўзган, яккаю-ягона қизини сизга раво кўрган Сарби хола билан Адҳам тоғани ўйлашингиз керак эди.

Нигина сингилми, сизга эса эрка, яккаю ёлғиз қиз бўлганингиз билан ўзингизни ундай тутмаслигингиз лозим эди. Бунга турмуш дейдилар, ҳеч қачон ҳўжайинингизни кўнглини қолдирмасликка ҳаракат қилинг. Қиз бола бировни хасми дейишади. Сиз бир умр ота-онангиз қўлида қолмайсиз-ку. Энди сизни ҳаётингиз, келажақингиз шу Собир ака. Сингилми, сизга ҳаёт уйинчоқ эмас. Бир оғиз сўз билан ҳаммаси чилпарчин бўлиши мумкин, оғзингизга эр берманг. Энди Собирдай эркакни топа олмасангиз керак. Сиз ўзингиз



Азиз адажонимов
МИРХУСАН ЗУФАРОВИЧ!
Сизни 55 ёшингиз билан
чин дилдан қутлаймиз. Бах-
тимизга соғ бўлиб, узоқ умр
кўринг. Бошимизга тож,
тўйларимизга бош бўлиб

юринг.

Қизларингиз ва рафиқангиз
номидан Азизахон



Хурматли ҒАЙРАТ
ҲАМИДОВ!

Сизни таваллуд топган ку-
нингиз билан чин юракдан му-
боракбод этамиз. Сизга узоқ
умр, соғлиқ, оилавий тотувлик
тилаймиз. Хисобчиликдек
масъулиятли касбингизда омад доимо сиз-
га ёр бўлсин.

"Таъминотчи - пахта"
АЖТИ жамоаси



Хурматли
БАХТИЁРЖОН
ва
БАХОДИРЖОН!

Сизларни таваллуд
кунларингиз билан
табриклайман. Келгу-
сида ақлли, билимли ва бахтли инсонлар
бўлиб камолга етинлар.

Ғанишер

ОИЛА - 24

Икки фарзанди бор, 41
ёшли, уй-жойли аёл фар-
зандларига оталик қилади-
ган 50-55 ёшлардаги меҳ-
рибон инсон билан оила
қуриш ниятида. Хабарлар-
ни қуйидаги пейджерга
юборинг — 067-39-52

КЕЧ БЎЛСАМ, ТИНЧ ҲАЁТ ИСТАЙМАН

Асли фарғоналикман. Онам эрта
вафот этиб кетганлар, отам эса ме-
нинг тақдирим билан қизиқмайди-
лар. Ёшим 40га етган бўлишига
қарамай, ҳалигача уйланмаганман.
Халқимизда: "Йигит кишининг боши
иккита бўлмай, моли иккита

бўлмас", деган
нақл бор. То-
пиш-тутушим чакки эмас. Лекин
хаётимга мана шу рўзгорни яхши ту-
тадиган, виждони пок умр йўлдош ет-
мапти. Агар шундай аёл бўлса, тақ-
диримни боғлар эдим.

Кайда ўзи ўша бахт?

РАЙИМ

ШУНДАН СЎНГ УЛҒАЙГАНДЕК БЎЛДИМ

10-12 ёшлардаги ўйинқароқ қизалоқ
эдим. Доимо тўртта қизнинг орасида
ўсган акамнинг етовиди ўсаёт-
ганлигим учун-ми, гап-сўзларим
хам, юриш-туришим ҳам кўпин-
ча ўғил болаларга хос бўларди.

Бу одатларимдан онам азият чекар,
ўзим сезмаган ҳолда у кишини ранжи-
тиб кўяр эканман. Энди билсам мен бу-
ларнинг барчасини "кенжалик, эрка-
лик" деб ўйлаб содир этарканман.

Бир куни тушимда соч-сақоли оппоқ,
бошида салла ўраган, эғнида қора тўн
кирган нуроний бир отахон менга: "Сен
нимага доимо онангни хафа қиласан?
Эркалик ҳам эви биланда, бундан буён

бу қилигингни ташлагин, хўпми?"- дер-
миш. Бу тушим икки-уч кун ёдимга кел-
мабди. Дастурхон атрофига ўтир-
ганимизда опамлардан бири
туши ҳақида гапириб қолди.
Шунда ҳалиги тушимни эслаб,
онамга айтдим. Онам хўрсиниб, қўзлари-
га ёш олдилар: "Тушингда раҳматли
отамни кўрибсан, мен ота-онамга ягона
фарзанд эдим, отагинамнинг арвохи
қаерга ҳам борсин меникига келмай,"-
дедилар. Шу воқеадан кейин анча улғай-
гандек бўлдим, иложи борича онажоним-
га озор бермасликка ҳаракат қилдим.

София УЗОКОВА

Шахрисабз

ТАНҒРИ АТО ЭТГАН ҚУВВАТ

Ўтган асрнинг охириларига келиб фан-
га маълум бўлишича, кишиларнинг
меъёрда яшашлари учун яна бир неча
қувват манбалари мавжуд экан. Улар
космик қувват, кишилар бир-бири-
ларидан оладиган ва табиатдан олина-
диган қувватдир. Бу қувват манбала-
рининг кишилар саломатлигини сақ-
лашдаги аҳамияти жуда
каттадир. Уларнинг ичида
энг кучлиси, кишиларнинг
саломатликлари катта
фойда келтирувчиси эса, осмондан
келадиган космик қувватдир. Унинг
мавжудлигини бундан икки минг
етти юз йил аввал яшаб ўтган аждод-
ларимиз аниқ башорат қилишган. Аж-
додларимизнинг муқаддас диний ва
ижтимоий китоби "Авесто"да ёзили-
шича, олам икки ибтидо, яъни ёруғ-
лик билан зулмат, яхшилик билан
ёмонлик ўртасидаги кураш асосига
қурилган. Яхшиликни ифода этувчи
кучлар осмондан, ёмонликни ифода
этувчи кучлар ер остидан келади, деб
таърифлашган. Ер сатҳи эса кураш
майдонидир. Олам ва одам ҳаёти ана
шу қарама-карши кучларнинг қайси

бирининг таъсири кучлилигига боғлиқ
деб айтганлар.

Аждодларимиз башорат қилган яхши-
ликни ифодолловчи кучлар бу ҳозирги
кун фани тасдиқлаган космик қувват-
дир. Космик қувватнинг мавжудлиги ва
унинг кишилар саломатлигини сақлаш-
га ниҳоят юқори даражадаги аҳамият-
га мойиллигини Россия Фан-
лар академиясининг Сибир
бўлими олимиларнинг горлар-
ни илмий текширишлари на-
тижаси тасдиқлади. Уларнинг аниқ-
лашларича, горларда эфир тўлқинлари-
нинг бўлмаслиги космик қувватнинг кўп
тушишини таъминлар экан. Шу сабаб-
дан ҳам горларда кўп бўлган кишилар
жисмонан кучга тўлиб, уларда мавжуд
бўлган айрим бедаво, сурункали касал-
ликлар ўз-ўзидан тўзалиб кетар экан.
Космик қувват таъсирида мия ва сез-
ги аъзоларининг фаолиятлари жуда
яхшиланиб, улар кўп воқеаларни, ҳатто-
ки олдиндан тўғри башорат қила ол-
ганлар.

Раҳматилло БЕКТОШЕВ,
олий тоифали шифокор

Самарқанд

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази қуйидаги курсларга таклиф қилади:

2 ойлик: - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерлар-
ни роллаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва
чойшаблар тикиш ("Элита" усулида).

3 ойлик: - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио матери-
аллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш
(енгил ва устки қиймлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзил: Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: метронинг
«Алишер Навоий» бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида.
Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

Тошкент полиграфия техникуми томонидан Усмонова Шахноза Мухто-
ровна номига 1998 йилда берилган (3093) 917494-рақамли диплом йўқол-
ганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"BEGOYIM - SERVIS"

Сартарошлик 1 ой (тўй ва оқшом гуллари); Сартарошлик 2 ой (бошлан-
гич); Бичиш-тиқиш 4 ой; Қандолатчилик 2 ой (торт, салат, печенье); Уй
ҳамшираси 2 ой (амалиёт билан); Массаж 2 ой; Парда 2 ой (парда,
пакривал, чойшаблар тикиш);
Олий даражадаги қандолатчилик 1 ой (келин-куёв ясаш, торт бе-
за-тишлар); Косметология 2 ой (амалиёт салонда); Инглиз тили 3 ой
(бошлангич); Автослесарлик; Ўғил болалар учун 3 ой (электрик, мото-
рист, чилангир, костапав).
Ҳамма дарслар амалиёт билан ўтилади ва диплом берилади.
Мўлжал: Поликлиника, Ўрда бекати
Манзил: Мустақиллик метроси, Алишер Навоий кўчаси, 2-уй, 74-хона
Телефонлар: 144-40-47, 41-16-63

"Madina Begim"

Ўқув маркази
қуйидаги курсларга ўқишга
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

3 ОЙЛИК: Сартарошлик (3-ой амалиёт); Уй ҳамшираси (3-ой амалиёт);
Массаж, умумий (3-ой амалиёт); Инглиз тили. Бошловчи ва давом эттирув-
чилар учун. **2 ОЙЛИК:** Косметология; Компьютер (индивид.); Тасвирий ма-
ниюр; Эркалар сартароши (2- ой амалиёт); Парда ва пакривал тикиш
(Элита усулида); Тикувчилик - 5 ой. Қўлда тўқиш; Пальто ва плащ тикиш. **1**
ОЙЛИК: Маниюр, тасвирий; Қандолатчилик, (торт беази) олий курс сир-
асорлари билан ўргатилади; Сартарошлик, тўй-оқшом гуллари.

1-Манзил: "Хадра" меҳмонхонаси ичида, 5-қават, 510-хона. Мўлжал: Циркнинг ўнг томо-
нида 9 қаватли бино, 144-93-75. 2-Манзил: Алгоритм мавзеси, 126-мактаб ичида. Мўлжал:
13, 69-автобусларнинг охири бекати. Тел.: 144-28-11, 45-95-48, 170-58-00, 144-94-96

"ЭЛИТА" усулида парда ва пакриваллар тикишни ўргата-
ман, тикишга буюртма қабул қиламан. Тел: 22-73-73, 106-
22-73 РАЪНО

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФИРГАН ҚОВУГИ БЎШ 10 ЁШДАН ОШГАН
ЎҒИЛ ВА КИЗ БОЛАЛАРИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ.
Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, яшанба кунлари соат 9.00
дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа ҳўжа-
лиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбекатидан 464, 469,522-ав-
тобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатига чора борилади. Теле-
фон: 8 296 56023.

Лицензия рақами 3271

РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМий-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
КОШИДАГИ "ОИЛА ЗИЙНАТИ" МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш
мақсадида қуйидаги ўқув курсларни ташкил этди:

2 ойлик:
- Бичиш-тиқиш (тезкор гуруҳ). - "Элита" усули-
да пардалар, чойшаблар тикиш, бир ойга - 4000
сўм. - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш,
бир ойга - 4000 сўм. - Компьютер билимлари,
(Windows-98) бир ойга - 5000 сўм. - Массаж,
(амалиёт билан) бир ойга - 4000 сўм. - Оқшом
либосларини безаш, бир ойга - 4000 сўм. - Ма-
шинада гул тикиш, (вишияка) бир ойга - 4000
сўм. - Косметология, бир ойга - 5000 сўм.

3 ойлик:
- Зардўзлик, (Бухорча) бир ойга - 4000 сўм.
- Кўрпа-кўрпача тўн ва бешик асбобларини ти-
қиш - 4000 сўм. - Инглиз тили, бир ойга - 4000
сўм.

4 ойлик
- Бичиш-тиқиш (бошловчилар учун). - Сарт-
арошлик. - Бичиш-тиқиш (бурда моден бўйича).

Машгулотлар амали-
ёт билан бирга олиб
борилади. Кам таъ-
минланган оила фар-
зандларига чегирмалар бор.
Битирувчиларга диплом-сертификат бери-
лади.

1. Манзил: Фуркат кўчаси, 1-уй. Спорт
қўмитаси биноси ёнида, 4-қават, 410-
хона. Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58.
Мўлжал: метронинг "Халқлар Дўстлиги"
бекати.

2. Манзил: Миробод тумани Олтин кўл
2-тор кўча Қора суз маҳалла идораси,
мўлжал Рисивий бозор, "Уамжасомол-
тор". Тел: 191-78-02.

3. Манзил: Қора-Қамиш даҳаси 2/3 31-
уй, 56-хонадон. Тел: 29-28-58.

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади:
(ўқишга ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиш-тиқиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой.
Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, кос-
тюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тиқишни
моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Ҳамширалик - 6 ой.
4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машгулотлари ўтилади; 3.
Қаштачилик - 3 ой, машинада тикиш - 3 ой;
4. Зардўзлик (бухорча) - 3 ой;

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587
Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида.
Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ

замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ:
- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000,
Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000,
Ms-dos, NC-2 ой.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-4
ой. Бухгалтерия ҳисоби-2 ой. Инглиз тили
(компьютер ёрдамида)-3 ой. Ақшерлик-
6 ой. Ҳамширалик-3 ой.
- Аёллар ва эркалар сартарошлиги (Ма-
шгулотлар салонда ўтказилади) - 3 ой.

ДИКТАТ! Фирмада замонавий оқшом либослари ва «Elite» усулидаги пардалар, ке-
лин-куёв либослари ижарага берилади.
Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифа-
ли мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли бити-
рганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-
уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ош-
қозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усуллар-
да даволайди. Бронхиал астма хасталигинда гормонал дорилар қўлланмайди.
Аллергия касалликларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб
синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Ав-
тобуслар - 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай - 8. 1-шаҳар клиникаси
бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

Салом менинг дардашим, менинг суҳбатдошим. Ҳар доим сен билан ҳасратлашман, дилдан суҳбатлашман. Мени қийнаган саволларга сеннинг саҳифаларингдан жавоб топаман...

Ҳа... мен саволларимга фақатгина сен орқали жавоб топаман. Ҳар бир саҳифангнинг чин дилдан ўқиб чиқаман. 21-сондаги "Севгимни тоғдиму, аммо...", деб номланган мақола-ни ўқиб, беихтиёр ўтмишим кўз олдимда жонланиб кетди.

Уша вақтда мен эндигина ўн олти ёшга кирган пок қалбли, юрагига гард юкмаган покиза қизча эдим. Мактабни битириб Самарқандга

жавобсиз қолдирмадим, сапчиб ўрнимдан туриб: "Сизга ким керак", дедим. "Сиз, сиз билан танишмоқчи эдим. Агарда мумкин бўлса", деди у. Мен бу йигитнинг айнан мен билан танишмоқчи бўлиб қолганига ҳаҳлим чиқиб, хушламай турдим. У исминини айтди. Менинг исминини сўраганда ёлғондан бошқа исмини айтиб юбордим. "Кечирасиз, менинг ишларим бор эди", деб хонадан чиқиб кетдим-да, ошхонага бориб унинг чиқиб кетишини кута бошладим. Анчадан сўнг у хонадан чиқиб кетди. Унга қарата орқасидан бир-икки оғиз "чиройли" сўзлар гапириб, қайтиб хонага кириб жойимга ётдим. Лекин уни ҳаёлим-

ми бир ҳафта келмади.

Нихоят еттинчи кун у келди. Кувончимдан сал бўлмаса уни қучоқлаб олгим келди, аммо қизлик гурурим бунга йўл қўймади.

Биз ниҳоят бир-биримизни тушуниб етдик. Бир биримизни севишимизни кўзларимиздан билса бўларди.

Бизнинг севгимизга ҳамма: кўчага чиқсак бегоналар, уйга кирсак дугоналарим ҳавас қилишарди. Кечалари богда иккимиз сайр қилиб юрсак у шундай дерди: «Қара севгилим, жамолнингга ойл ҳам махлиё бўлгандек жойидан жоймай қолди. Кушлар ҳам дарахларда пана-паналарда бизни томоша қилаётгандир. Қара, анови юлдуз менинг юлдузим, у ҳам сенга осмонда туриб ошиқ бўлиб қолди. Мен сени ҳамма ва ҳар нарсадан қизгонаман. Ҳатто ўз ўзимдан ҳам қизгонаман, рашк қиламан!»

Унинг мени осмон фалакка чиқариб гапиришлари, ваъдаларининг кети узилмасди. Ҳали турмуш қурмай туриб оила келажagini режалаштирар, албатта мени бахтли қила олишига сўз берарди. Мен бахтли бўлишимга кўзим етса-да, унга эришолмасликдан қаттиқ кўрқардим. Кўрқимнинг сабаби, у биздан жуда узоқда - яъни Андижондан эди. Худодан ота-онамга инсоф беришини сўрардим.

Дадаси билан тоғаси уйимизга совчиликка келишди. Аям мени тушунди, аммо дадам қарши чикди. Хуллас бизни тушунган фақатгина онам бўлиди. Қариндошларим ҳаммаси "дод, узоқ бўлмайди, шу ердаям сени бахтли қила оладиган йигитлар кўп", деб туриб олишди.

Нурмуҳаммад Самарқандда қолишга ва шу ерда яшашга сўз берди. Шу орада унинг ўқиши ҳам тугаб, у мажбуран Сурхондарёга ишга жўнатилди.

Бизни бир-биримиздан айирган ўша ваҳимий сана 11 март 2000 йил эди.

...Энди у Сурхон воҳасида, мен эса кўҳна Самарқандда... Ҳам-манинг қаршилигига қарамай у хатлар ёзарди, гоҳида кўнғироқ қиларди, баъзида келиб кетарди. Шу тариқа мен ҳам ўқишимни тамомлаб уйга қайтдим. У хатларида ҳаммисевгиси учун курашинини ёзарди. Фақатгина менинг ҳам "ҳа деган тугамадор", иборасидек "ҳа" деб туришинини сўрарди. Мен ҳам кўлимдан келганча севгим учун курашардим. Ўзингиз биласиз, қишлоқдагилар миш-мишларни жуда севадилар. Одамларнинг гапи қанча юрагимга оғир ботмасин, ҳеч чекинишни хоҳламасдим. Чунки ўзимга ўзим дердим: "Хали ҳаммаси олдинда, одамларнинг ёлғон гапини бахтим ювади. Уларни шундай лол қолдирайки..."

Мен унга жуда ишонардим. Мени мисоли ою, қуёшдек билган баҳодиримдан хатлар аста-секин камаё бошлади. Телефон ҳам қилмай қўйди. Нахотики... Берган ваъдалар...

Ҳа, у муносабатни умуман тўхтатди. Мана, суянчим деб ишонганимдан на хат, на ҳабар келмаганига ҳам анча бўлибди.

Ахир у эмасмиди севгиси учун жонини фидо қилувчи... У эмасми - юрагимни бутунлай қилиб кетган...

Дўстларим, мана сиз менинг қалбим кечинмаларини эшитдингиз. Мен унга қаттиқ боғланиб қолганимни энди англаб етдим. Унинг учун ҳар нарсига тайёрлигимни қанийди унинг ўзига айтолсам. Нахотики берган ваъдалари бир кунда, ҳатто юзлаб марта такрорланган "севаман, сенсиз ҳаётимнинг мазмунини йўқ", сўзлари, унинг пок муҳаббатига ҳаммаси рўёга айланди, нахот алдандим. Менга маслаҳат беринглр. Қандай йўл тутай. Севгим поймол бўлдимми ё яна қутайми. Унга хат ёзсам жавоб келмади...

Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани

ОЖИЗА

ҚАЛБ ҚАРОҚЧИСИ

Мактабда ўқиб юрган кезларимда муҳаббат дея аталмиш туйғуга дуч келдим. Бошқа синфдаги Т. исмли йигитга кўнгил қўйдим. Уни жудаям қаттиқ севиб қолдим. Ўзимга нима бўлаётганига ҳеч тушунмасдим. Нахотки муҳаббат деганларини шунчалар азоб экан?

9-синф. Қўнлардан бир кун катта танаффусда дугонам олдиға уларнинг синфига кирдим. Дугонам Т.нинг синфдоши. Қарасам Т. дугонам билан ҳазил суҳбат қуриб ўтирибди. Хаяжонланганимдан нима қилишимни билмай қолдим. Пинҳона севгимдан дугонамнинг хабари бор эди. Шунда дугонам:

- Ия, ёмонни йўқласа қулоғи кўринаркан,- деди-ю, Т.га кўз қисиб қўйди.

Шунда у менга майин табассум билан қаради. Мен эса дугонамга "сотқин" дегандай қараб қўйдим ва вазиятдан чиқиш учун:

- Йў-е, нима ёмонлик қилдим,- дедим саломлашар эканман. Т. жуда ўхш йигитлардан эди.

- Ёмонлигингиз шундай, эшикни тақиллатиш керак эди. Халақит бердингиз,- деди. Унинг ўша вақтдаги сўзлари, қулишлари ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак.

- Майли, хоҳласангиз кетаман,- дедим аччиқланган бўлиб. Кўз олдим қоронғулашиб, эшик олдиға борганимни сезмай қолибман. Қарасам, у эшикни тўсиб турибди.

- Қочинг. Қанча тез кетсам сизга шунча яхши эмасми? - Эшикни тўсиб турган қўлларидан ўтиб кетолмаслигимни билар эдим.

- Биз текинга қўйиб юбормаймиз,- деди.

- Э, хали "қароқчи"ман, денг.

- Ҳа, биз нафақат "йўл қароқчиси", балки "қалб қароқчиси" ҳаммиз.

Бу сўзлардан ҳайрон бўлдим. Нахотки дугонам мени сотган? Иккаламиз ҳам бирдан дугонамга қарабмиз. Дугонам бир сўз демай шўх қулиб, чиқиб кетди. Мен эса қолдим. Т. худди бир нарсани билгандай қулиб гапирар эди.

- А, бу ўзлариям қароқчининг устози эканлар-да...

- Сиздан юккан бўлса, бордир.

- Йўғе, шунақами?

- Ҳа!

Жудаям, жудаям ажойиб суҳбат қурдик. Мен ҳаётимда биринчи марта қаттиқ севиб қолгандим. Унинг ҳазил қилиб гапиришлари, шўхликлари, ўзига ярашган даражада мақтаниб, гурурланиши... ҳамма-ҳаммаси мени эс-хушимдан айирди. Жуда бахтли эдик. Ўша кун хонада икки қароқчи икки дилни ўғирлаш билан овора эди.

Орадан анча вақт ўтиб, иккаламиз ҳам Навоий Давлат Педагогика институтига ўқишга кирдик. Хозирда шу олийгоҳда ўқиямиз. Орзуларимиз бу оқ қозғасига сиймайди. Муҳаббат шаробидан маст бу икки ошиқ ҳаётдан завқ олиб яшамокдамиз. Биз муҳаббат саҳросида сархуш кезаётган йигит-қизларга бахт тилаймиз. Қадрли дугонажонларим, сизга "Сени севаман", деган сўз армон бўлмасин. Ҳақиқий муҳаббат доим ўз ҳамроҳини топишига умид қиламан.

ХИЛОЛА

Навоий шаҳри

НАХОТ АЛДАНДИМ?



ўқишга кирдим. Ўқиш жараёнида биз (ижарадаги қизлар) ёнимиздаги ҳарбий билим юртида ўқувчи курсантлар билан танишиб қолдик. "Танишдик", деб мен ўзимниям қўшиб юбордим. Аниқроғи қизлар... Мен уларнинг орасида энг кичиги бўлган-лигим учун бундай "танишув"лардан ўзимни олиб қочардим. Қизлар салқин боғларда дарсдан сўнг сайр қилишарди, мени эса бундай беҳуда юришларга унча тоқатим йўқ эди.

Бир яқшанба кунни уйдан ҳориб-чарчаб, икки оғир сумкани кўтариб қайтиб келсам, хонада қизлар кўп экан. Улар билан саломлашиб дам олиш учун ҳовлига чикдим. Қарасам, ҳовли ўртасида қадди-қомати келишган, эгнига ҳарбий кийим кийган бир йигит турибди. Уни қўриб милиционер бўлса керак, деб ўйладим ва унга салом бердим. "Сизга ким керак?,- деб сўрадим. Йигит мени қўрди-ю жим қотиб тураверди. Мен унинг саволимга жавоб бермаганига ҳайрон бўлиб, қотиб қолганига қараб туриб бир оз хижолат бўлдим, сўнг: «Нима менинг гапимни эшитмадингизми, нимага тикилиб қолдингиз, мен ўзга сайёрадан-мас, шу ерликман, бунча ҳайрон бўлиб қолмасангиз",- дедим.

Менинг бу гапларим ҳам зоёе кетди. У ҳамон ҳайкалдек қотиб турарди. "Ё, тавба", дедим-да хонага қараб юриб кетдим. Хонага кирар эканман орқамга қарадим. У ҳалиям қараб турарди. Хонага кирдим у рўй берган бу ғаройиб воқеани ўйлай бошладим. У ким, нима учун келди ва ким учун... Кўққисдан эшик тақиллаб қолди. Мен қизларнинг яна бирон бир ҳазили деб ётган жойимда "киринг опахон", дедим. Аммо эшикдан кириб келган киши боғги йигит эканлиги мени бироз довдиратиб қўйди, ўзимни тўтиб олганимча у хонага кириб келди. Менинг қотиб қолганимни кўриб: "Энди жимлик навбатини сизгами, фаришта қиз", деди. Йўқ, мен бу каби саволни

дан чиқара олмай қолдим. Ўйлаб-ўйлаб саволларимга жавоб тополмай ухлаб қолдим.

24 ноябр Фотима исмли хонадош опамнинг туғилган кунлари эди. Ҳамма қизлар ясантусан қилиб олишган, дастурхон безалган, ҳарбий курсантларни қутишяпти. Қизларнинг "курсантлар", деб ургу бериб оғизларини тўлдириб мақташларига бу йигитларни мен ҳам бир кўриш орзусида улар қатори кута бошладим. Нихоят улар келишибди. Аммо мен йўқ пайтда бир юмуш билан кўчага чиқиб кетгандим. Қайтиб келгач, тезроқ кўриш ниятида улар ўтирган хонага кириб бордим. Уларнинг ҳаммаси мен икки кун олдин милиционер деб ўйлаган йигитни кийимидан кийиб олишган эди. Уларга салом бериб, не кўз билан кўрайки, ҳалиги "дарвеш" йигит ҳам шу ерда ўтирибди. Йигитнинг кўзларида нур эмас, гўёки олов ёнаётгандек, мени қўриб қачнаб кетди. Мен на қолишимни, на чиқшимни билмай қолдим. Хуллас, қизлар кўмағида жойлашиб ўтириб ҳам олдим. Опаларимдан бири мени таништирди. Исминини ҳақиқийсини эшитган ҳалиги йигит менга сирли қараб қўйди. Ёлгон гапим тезда фош бўлгани учун ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгудек эдим.

Туғилган кун ҳаммамнинг кўнғлидагидек ўтарди. Аммо биргина менинг кўнғлим гаш, иложини қилиб базмдан чиқиб кетишни ўйлардим. Бир амаллаб чиқиб кетдим ва ўз хонамга бориб яна ҳаёллар оғушига чўмдим.

Асли камгап, уятчан қиз базмдан сўнг янада оғир бўлиб қолдим. Миямда ҳар хил хом ҳаёллар юрарди. Курсантлар тез-тез қизлар олдиға келиб туришарди. Қизларни "опа" деганим сингари, уларни ҳам "ака" деб муомала қила бошладим. Мен илк бор кўрган йигитнинг исми Нурмуҳаммад экан. Бора-бора биз иккимиз бир-биримизни ака-сингилдек ҳурмат қила бошладик. Мени шундай инсон "синглим" деб ҳурматини жойига қўйишдан жуда хурсанд эдим. Биз қиёматли ака-сингил бўлиб қолишга аҳд қилдик. Бизнинг муносабатимизни кўрган опаларим жуда ҳавас қилишарди. Мен акамни ака дердим, аммо унга меҳрим бошқача, қалбимни қувончли бир туйғу қамраб олганди. Биз бора-бора бир-биримизни бир кун кўрмасак туролмайдиган ва қўришган заҳотиимиз иккимизниям ҳаяжонли қалтироқ тутиб қоларди.

Охир-оқибат у ўз ҳиссиётларини енга олмади. Ошқор айтишга мажбур бўлиб, икки варақ қозғони тўлдириб дардини дoston қилиб ёзибди. Хатни ўқиб аввалига ундан роса хафа бўлдим, чунки мен уни акам дердим. Жаҳл қилиб ундан қаттиқ хафалигимни, мени "синглим" деб оёқ ости қилганлигини ёздим. Хатни ўқиб акам хафа бўлганими, ё ишлари қўлгилгидан-

ҚАРЗ БЕРИШНИ ЁМОН КЎРАМАН

Икки оғиз кўнгилочар гап топиб кўнгилларга шодлик киритиш осонми ё қийинми? Қани бир уриниб кўнги-чи... Балки кўнгиладан келар. Таниқли кулгу усталари, "Ҳандалак" ҳажвий тележурнали бошловчилари Ор-тиқ Султонов ҳамда Зокир Очилдиев-лар бунинг уddасидан аллақачон чиқ-ишган. Ишонмайман дейсизми? Ке-линг, унда Ортиқ Султоновни ўздан сўрайсиз.

- Ортиқ ака, ҳаётда Сиз кўпроқ нимадан кўрқасиз?

- Хотинимнинг ишончини оқлай ол-масликлдан.

- Кейинги пайтларда "Ҳандалак" тележурнали жуда ҳам кам экран-га чиқапти. Бунинг боиси нима-да?

- Баъзида битта яхши асар ярати-шингиз учун бутун бир умр камлик қилади. Ҳафтасига 8-9 та жойга тўйга борамиз. Ахир бизда ҳам бола-чақа, тирикчилик бор.

- Агарда сиздан қарз сўраб ил-тимос қилишса, ҳолатини чиқара-сизми? Ёки келинонимдан рухсат сўрайсизми?

- Қарз беришни ёмон кўраман. Бир кишидан дўстларингиз кўпми,- деб сўрашса. О, жуда ҳам кўп деб мақта-нибди. Улар кимлар дейишди. Шун-да у мамлакатдаги энг йирик банкда ишловчи иккита дўстининг номини айтибди. Нима учун уларни дўст деб ҳисоблайсиз, дейишса, чунки улар қарз сўрамайди, деб жавоб берган экан. Албатта бу бир ҳазилнамо гап. Хулосани ўзингиз чиқаравинг.

- Муаммоларни ҳал этишда аёлингиздан маслаҳат сўрайсизми? Ёки шарт эмас деб ҳисоблай-сизми?

- Агар бошингга бирор ташвиш туш-са аёлингдан маслаҳат сўра, у қандай маслаҳат берса ўшанинг тескариси-ни қил, дейишган экан(кулади).

- Сиз кўпроқ қандай аёлларни ёқтирасиз? Шўх-шаддотларини ёки кўй оғзидан чўп олмаганлар-ними?

- Ортиқча дабдабасиз, оддий кийи-надиган, чиройли аёлларни ҳурмат қиламан. Аёлга гўзаллик оилавий бахт

бўлиб яшаши керак. Ана ўша парво-наликка чидаган аёлларни чинакам бахтли деб ҳисоблайман.



учун берилган имконият бўлса, ақл ўша имко-ниятдан тўғри фойда-ланиш учун берилган.

- Баъзи қизларимиз тушуниб-тушунмай Ев-ропага тақдид қилиб кийи-нишмоқда. Албатта бу сизнинг ҳам назарингиздан четда қолмаса ке-рак?

- Кийим инсонни ички дунёсини очиб берадиган энг асосий рентген десам хато қилмайман.

Аммо мода экан деб унга кўр-кўрона эргашавириш ярамайди. Европа ютуқ-ларидан фойдаланиш керак, лекин ин-соф билан. Миллийлигимизни йўқо-тиб қўймайлик. Ўзи умуман кечирасиз-лар-у, бу юбка ўлгуни бунча қийнай-сизлар — йигитларга қасдма-қасд гоҳ бу ёғини очиб, гоҳ у ёғини... Гўзаллик-ка интилиш яхши. Лекин гўзаллик — сирлиликда. Қизларимиз қанчалар од-дий, сирли, ораста ва озода бўлса, биз учун шунчалар ёқимли.

- Баъзан аёлларимизнинг эрим хи-ёнат қилди. Мени ташлаб кетди деган нолаларини ҳам эшитиб қоламиз. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

- Оилани асраб қолиш учун ҳаёт аёл-дан жуда катта жасорат талаб қилади. Чунки рўзгор, бола-чақа, тирикчилик ташвишларидан ортиниб аёл бечора эрининг атрофида шам каби парвона

Аёлини тирикчилик важдан кўчага чи-қишга мажбур қилиб, ўзлари уйда бола-чақа, қозон-товоққа ўралашиб ўтирган эркакларнинг тақ-дири сизни ҳам бефарқ қол-дирмаса керак?

- Аёллар биз эркакларга нисбатан ти-ришқоқ, эртанги кунини ўйлаб яшов-чи бўлишади. Қолаверса, Оллоҳ омад-ни ё эрга, ёки хотинга беради. Ахир кимдир рўзгор аравасини тортиши керак-ку. Лекин аёлнинг меҳридан ман-фаатларимиз учун фойдаланиб, май-иб-мажруҳ бўлиб қолишларига йўл қўймаслигимиз керак. Яна бир гап-балки ана ўша кўчада юрган аёллар-нинг баъзилари эрларининг топиб келганига қаноат қилишмас. Балки уларнинг турмуш ўртоқлари ногирон, ишга яроқсиздир. Хуллас ҳаётни сиз-нинг ва менинг ақлим билан тушуниб бўлмайди. Унинг ёзилмаган қонунлари олдида барчамиз лолу-хайронмиз.

- Бизнинг мухлисларимиз Ортиқ Султоновнинг жуфти ҳалоли қандай аёл экан, деб қизиқишлари таби-ий?

- Моҳирахон билан бир синфда ўқиганимиз. Мен ўғил болаларнинг, у қизларнинг каттаси эдик. У ҳар доим ўзининг айтганини менга қилдириш-га ҳаракат қиларди. Афсуски ҳамisha

ғалаба мен томонда бўлгани боис ҳозир ҳам голиблик нашидасини су-риб юрибман.

- Умрингиз ортига назар ташла-сангиз нималардан хурсанд бўла-сиз-у, нималардан кўнглингиз тўлмайди?

- Яхши инсонлар кўплигидан хур-санд бўлсам, умримнинг кўп қисми беҳуда ўтаётганидан, ўзим ўйлага-нимдан кам асарлар яратётганимдан хафа бўламан. Ибн Сино спектаклида кишини ўзига тортадиган бир кўри-ниш бор. Сино китоб ўқиб ўтирса она-си келиб: «Ўғлим, кеч бўлди, ётиб ухлайсизми?» деса, Ибн Сино: «Йўқ онажон, агарда мен кўп ухлайверсам менга берилган синовлар олдида ум-рим етмайди», - деб жавоб беради. Инсон ўзининг олдида қўйган мақсад-ларининг ҳеч бўлмаганда ярмига етиб борсагина ўзини бахтлиман деб ҳисоблаши мумкин.

- Бахтли тасодифларга ишона-сизми?

- Албатта ишонаман. Самарқандда яшаб юрган пайтларимиз Юсуфжон қизиқ Шакаржонов хотирасига ба-ғишлаб Марғилонда конкурс эълон қилинди. У ерга бориб келиш учун 10 минг сўм пул керак бўлиб қолди. Ун-дан сўрадим, бундан сўрадим, ҳеч кимда йўқ. Нима қилишимни билмай хотинимнинг қулоғидаги сирасини ечиб олиб қўшимиз Хосият Бобому-родованикига олиб кирдим. Менинг ниятимни тушунган опа ҳатто эрқа-лар ҳам қилмаган бир мардлик қил-ди. "Ортиқжон, сиргани келинга қай-тариб беринг, тақиб юраверсин. Мана бу пулни олинг-да бемалол конкурс-га бориб келаверинг", - дея 10 минг сўм пул берди. Ана ўша воқеа менинг ҳаётимда катта ўзгариш ясади. Чун-ки шу конкурсдан кейин менинг ижо-дий имкониятларим кенгайди.

- Ортиқ ака, "Кулгу ҳақида... қули-шиб" номли китобингиз нашрдан чиқ-қани билан табриклаймиз. Келинг, ижодингизга раванқ тилаган ҳолда, ана шу китобга қиритилган ҳангома-лардан мухлисларимизни ҳам баҳра-манд қилсак.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА
суҳбатлашди

- Ҳов анави галварсни кўра-япсизми?... У бизнинг бошлқ бўлади. Улай агар, умрим бино бўлиб бундай меровни кўрган эмасман.

- Менинг кимлигимни била-сизми?

- Йўқ...

- Мен ўша, сиз галварс деб атаган бошлигингизнинг қизи бўламан.

- Ия, шунақами... Сиз мени танийсизми?

- Афсуски йўқ.

- Хайрият!..



- Ия ичган пайтингда нега кўзингни беркитиб олаяпсан?

- Ичкиликни иккинчи бетиға қарамайман, деб хотинимга ваъда берганман.

Сувратни А. ҲАКИМОВ чизган

- Ўртоқ милиционер, айтинг-чи, бу кўчада юриш хатарли эмас-ми?

- Йўқ. Хавфли бўлганда мен юрардим.

- Мендан 1.000 сўм олганингиз эсингиздами?

- Эсимда.

- Эсингизда бўлса, айтинг-чи, мен ўша пулни қачон қайтиб оламан?

- Мен қаердан билай! Авлиё эмасман-ку.

- Уйланмайман деб, уйланиб-сан.

- Кейинги пайтларда унча-мун-ча ошхонанинг овқати менга ёқмай қолганди.

- Энди-чи?

- Энди ҳаммасиники ёқапти.

Қаёққа кетаяпсан?

- Вазирликни бир тартибга кел-тириб қўяй.

- Юрагинга қойилман!

- Гап юракда эмас, мен фаррош бўлиб ишлайман.



- Нима учун хафасан?

- Иш, иш. Эрталабдан кечгача иш.

- Анчадан бери ишлайсанми?

- Эртадан бошлайман.

- Синфимизда бир киши чек-мас экан...

- Ким экан у, сенми?

- Йўқ; ўқитувчимиз!

Эр: - Бу устара нимага ҳеч со-қолга ўтмайди?

Хотин: - Кеча картошка тозала-ганимда яхши эди-ю.

ЙХХ ходимига бир киши:

- Раҳмат, бу яхшилигингизни унутмайман.

- Нима яхшилиқ қилибман?

- Кеча хотинимнинг правасини олиб қўйибсиз, раҳмат ака!

- Минбарда халқаро мавзуда

конференция.

- Савол борми?

- Бор. Стакан бўшадими?

Хотин эрига:

- Кеча ичмай келганингизга роса қувонувдим, бугун яна ичибсизда?

- Ҳа, бугун қувониш навбати меники.

Хотин эрига:

- Ҳар бало бўлинг савдогар

бўлмай! Олган олмангизни еб бўлмайди.

- Менам ейишга эмас, сотиш-га олдим.

Эр хотинга:

- Хотин, сенга ўхшаган аёл бўлмаган, бўлмайди ҳам...

бўлмасин ҳам!

Хотин эрига:

- Нукул менинг уйим, ме-нинг машинам, менинг фало-нинг деяверманг. Ҳаммаси икковимизники. Бизники денг. Нима қидираяпсиз халидан бери?

- Шимимизни.



Изоҳга ҳолат йўқ.

Сувратни М. КАРИМОВ чизган

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида теришди ва саҳифалатди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси-да № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 941. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобик.
Бахоси эркин нархда. Адади - 22772
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОВОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фой-даланилмаган кўлөзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарил-майди, ёзма жавоб қилинмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.